



“Ўзбекистон темир
йўллари” АЖ

2023 йил учун БИЗНЕС РЕЖА



Тошкент 2023й.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|--------------|
| I. Корхона тўғрисида умумий маълумот | |
| 1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)..... | 4-5 |
| 1.2. Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари..... | 5-6 |
| 1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати..... | 6-22 |
| 1.4. Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот..... | 23-26 |
| 1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя..... | 27-32 |
| 1.6. Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи..... | 32-35 |
| 1.7. Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими..... | 36 |
| II. Корхонани ислоҳ қилиш | |
| 2.1. Истиқболли ривожланиш стратегияси..... | 37-38 |
| 2.2. Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари..... | 38 |
| 2.3. Ислоҳ қилишининг 2023 йил учун режаси..... | 38-38 |
| III. Бозор ва маркетинг режаси | |
| 3.1. Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби..... | 39-41 |
| 3.2. Рақобат..... | 42 |
| 3.3. Маркетинг режаси..... | 43-46 |
| IV. SWOT-таҳлили..... | 47-49 |
| V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи..... | 49-50 |
| 5.1. Қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш бўйича Техник сиёсати..... | 50-51 |
| VI. Кўрсаткичлар | |
| 6.1. Ишлаб чиқариш режаси | |
| 6.1.1. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари..... | 52 |
| 6.1.2. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати..... | 52-54 |
| 6.1.3. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси..... | 54-57 |
| 6.2. Молиявий режа | |
| 6.2.1. Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)..... | 58-63 |
| 6.2.2. Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)..... | 63-65 |
| 6.2.3. Харажатлар ва таннархни оптималлаштириш..... | 66-73 |
| 6.2.4. Пул оқимлари прогнози..... | 74-75 |
| 6.2.5. Молиявий барқарорлик, ликвидлик ва тўлов қобилияти, қарздорлик (ички ва ташқи), кредитлар юки..... | 76-86 |
| 6.2.6. Давлат бюджетига тўловлар прогнози..... | 87 |
| VII. Иш хақи тўлаш тизими..... | 88-89 |
| VIII. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)..... | 90-96 |

| | |
|---|----------------|
| IX. Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)..... | 97-99 |
| X. Маҳаллийлаштириш..... | 100-108 |
| XI. Инвестиция лойиҳалари..... | 109-116 |
| XII. Бизнес рискларни (таваккалчиликларни) бошқариш..... | 117-118 |
| XIII. Экология ва атроф муҳитга таъсири..... | 119-120 |
| XIV. Давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида амалга ошириладиган лойиҳалар жамиятдаги ўрни..... | 121 |
| XV. Иловалар | |
| <i>15.1. 2023 йилга мўлжалланган Бухгалтерия баланси (1-сон шакли).....</i> | <i>122-128</i> |
| <i>15.2. 2023 йил учун Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-сонли шакл).....</i> | <i>129-131</i> |

I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

1.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тўғрисида маълумот

| | |
|--|--|
| Корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи | “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти (“ЎТЙ” АЖ) |
| Ташкилий-ҳуқуқий шакли | 153 – Акциядорлик жамияти |
| Тармоқ | Ташиш ва сақлаш |
| Юридик манзили | 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 7-уй |
| СТИР | 201051951 |
| Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки | 2021 0000 1006 0031 5001 Миробод тумани Миллий банк МФО 875 |
| Ташкил топган сана | 1994 йил 7 ноябрь |
| Фаолият тури: | темир йўл транспортининг барқарор ва самарали ишлаш, қатновлар ҳавфсизлигини таъминлаш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, темир йўл транспортида юк ва йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш |
| Ишчиларнинг рўйхатдаги сони: | 79 421та |
| Марказий аппарат бошқарув аппарати штат бирликлари сони: | 117та |
| Устав капитали | 3 828 948 859 330 сўм |
| Чиқарилган акциялари | 8 904 532 531 та |
| Маъмурий бино | 33 790 кв.м. |
| Умумий ер майдони | 3,32 га |
| Ишлаб чиқариш майдони | мавжуд эмас |
| Сотиладиган давлат улуши | йўқ |
| Носоҳавий активлар | 13 та |

“ЎТЙ” АЖ инфратузилмасининг ҳолати:

Темир йўл тармоғининг умумий узунлиги – 7 395,1 км, шу жумладан:

- асосий йўллар – 5 239,3 км;

- станция йўллари – 1 769,8 км;

- шаҳобча йўллари – 386,0 км;

максимал тезлиги 160 км/соатгача – 731,9 км;

максимал тезлиги 250 км/соатгача – 243,5 км.

Сигнал тизимлари билан жиҳозланган участкаларнинг умумий узунлиги – 4 757 км, улардан:

электрлаштирилган участкаларнинг умумий узунлиги – 3 528,1 км.

Автоматик блокировка қилиш тизими томонидан бўлимларнинг умумий узунлиги – 1 302,2 км.

“ЎТЙ” АЖнинг асосий сифатлари:

- ягона темир йўл транспорт тармоғини тузиш;
- темир йўлнинг асосий участкаларини электрлаштиришни давом эттириш;
- темир йўлларни модернизациялаш, шунингдек, телекоммуникацияларнинг оптик тола тизимларига ўтишни ўз ичига олган ҳолда темир йўл транспорти инфратузилмасини ривожлантириш;
- ҳаракат таркибини таъмирлашнинг ўз базасини ривожлантириш;
- ҳаракат таркибини тиклаш ва янгилаш;
- жаҳон бозорига чиқиш ва республиканинг экспорт потенциалини оширишни таъминловчи муқобил транспорт йўлакларини излаш.

1.2. Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари

“Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 7 ноябрдаги ПФ-982-сонли Фармони билан темир йўл транспорти тизимининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бўлинмалари, корхоналари ва ташкилотлари базасида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони билан компания “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ сифатида қайд этилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги пўлат изли йўлларни шакллантириш бўйича катта ишлар бажарилди. Қизилқум барханлари узра Навоий – Учқудуқ – Султонувайстоғ – Нукус темир йўли ётқизилди, Амударё оша бирлаштирилган темир йўл-автомобиль кўприги барпо этилди.

2010 йилнинг ноябрь ойида Афғонистонда Хайратон – Мозори-Шариф темир йўл магистралини қуриш якунланди. Ушбу лойиҳа доирасида янги темир йўл линияси ётқизилди, Хайратон темир йўл бекати модернизация қилинди, Ноибобод бекатида разъездлар ва янги темир йўл юк ҳовлиси (грузовой двор) қурилди. Линиянинг умумий узунлиги 106 кмни, шундан асосий йўллар 75 кмни ташкил қилади.

“ЎТЙ” АЖ тарафидан 2016 йилда қуйидаги лойиҳалар амалга оширилди: “Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш” ва “Йўловчи поездларнинг юқори тезликдаги ҳаракатини ташкил қилиб Самарқанд-Бухоро темир йўл участкасини электрлаштириш”. Янги темир йўл линиялари ишга тушиши билан “ЎТЙ” АЖ бош йўлларининг очиқ узунлиги 4 842,4 км ни ташкил қилди.

2016 йилда Қамчиқ тоғ довоидан ўтувчи, узунлиги 123,2 км, жумладан, 19,2 км туннелдан иборат “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш якунланди.

Соҳада муваффақиятли фаолият юритаётган инвесторлар:

- Осиё тараққиёт банки – билан “Ўзбекистон темир йўллари” жамияти 1998 йилдан “Ўзбекистон темир йўллари қайта таъмирлаш” лойиҳаси орқали ҳамкорлик қилишни бошлаган. Бугунги кунгача Осиё тараққиёт банки иштирокидаги бир нечта лойиҳалар муваффақиятли якунланган.

Ҳозирги пайтда Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Поп-Наманган-Андижон темир йўл участкасини электрлаштириш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

- Хитой ЭКСИМбанки билан – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти 2010 йилдан “Электровозлар харид қилиш” лойиҳаси орқали ҳамкорлик қилишни бошлаган. Бугунги кунгача Хитой ЭКСИМбанки иштирокидаги бир нечта лойиҳалар муваффақиятли якунланган.

Ҳозирги пайтда Хитой ЭКСИМбанки иштирокидаги “Тошкент шаҳрида ер усти халқа метрополитенини қуриш” ва ““Шарғунқўмир” АЖни модернизация қилиш” лойиҳалари амалга оширилмоқда.

- Ҳалқаро тикланиш ва тараққиёт банки (Жаҳон банки) – иштирокидаги “Электрлаштирилган Ангрэн-Поп темир йўлининг қурилиши ҳамда Поп-Қўқон-Андижон темир йўл участкасини электрлаштириш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

ҲАРАКАТ ТАРКИБИ ВА ИНФРАТУЗИЛМА

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг асосий фаолияти юк ва йўловчи ташишлардан иборат бўлганлиги сабабли, компаниянинг асосий ишлаб чиқариш қувватлари бу локомотив ва вагонлар парки ҳамда улардан фойдаланиш, қуриш ва таъмирлаш кўрсаткичлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли Фармони ҳамда 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортини ривожлантириш концепцияси лойиҳасига кўра темир йўл транспортда ташувларни такомиллаштириш ва жамият фаолиятидаги носоҳавий йўналишларни хусусийлаштириш режалаштирилган.

Ҳаракатланувчи таркибга локомотивлар, юк вагонлари, локомотивли йўловчи вагонлари, кўп агрегатли ҳаракатланувчи таркиб, шунингдек, турли хил махсус ҳаракатланувчи таркиблар киради. Ҳаракат таркиби иш турига кўра йўловчи, юк ва махсус мақсадли таркибларга бўлинади.

Поезд бошчилигидаги локомотив – темир йўлнинг тимсоли ва унинг ишининг асоси саналади. Локомотивлар – рельс йўллари бўйлаб йўловчи ва юклар ташиладиган ҳаракатланувчи таркиблар, тортиш кучини яратиш учун мўлжалланган транспорт машиналари ҳисобланади. Республика темир йўлларида фойдаланиладиган локомотивларнинг асосий турларига электропоездлар, электровоз ва тепловозлар киради.

Узлуксиз ва хавфсиз ташиш жараёнини таъминлаш мақсадида, жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобига, шунингдек халқаро молия институтларининг кредит маблағларини жалб қилган ҳолда, ҳаракатланувчи таркибни янгилаш ва модернизациялаш бўйича лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда.

2021-2022 йилларда Чуқурсой-Қумқўрғон (768,00 км) участкаларининг елка чегаралари ўзгартирилиб, узайтирилгандан ҳамда янги харид қилинган O‘z EL, O‘z ELR и ЗЭС5К русумли замонавий электровозлар ёрдамида ташиш ишлари ташкил этилгандан сўнг, халқ хўжалик юкларини манзилига етказиш вақти – 35 соатни ташкил этмоқда. Жами 10 соат 30 дақиқага қисқарди. Чуқурсой-Поп (252 км) участкаларида халқ хўжалик юкларини ташиш вақти 20 соат 40 дақиқани ташкил этган. Ҳозирги кунда 14 соат 30 дақиқани ташкил этмоқда. Жами 6 соат 10 дақиқага қисқарди.

2022 йилда ёқилғи-энергетика ресурслари ва локомотивларнинг ҳаракатланишини назорат қилиш мақсадида GPS тизими жорий этилди ва видеокамералар ўрнатилди.

2022 йилда поездлар ҳаракат хавфсизлигига таъсир этувчи инсон омилларини бартараф этиш ҳамда аниқликни таъминлаш мақсадида локомотив деполарда навбатчиларнинг ишларини автоматлаштириш дастури ишлаб чиқилиб тадбиқ этилди.

2022 йилда локомотивларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш мақсадида Чуқурсой станциясида локомотивларга техник хизмат кўрсатиш цехи қурилди.

Локомотивлардан фойдаланиш бошқармаси – жамиятнинг муҳим бўлинмаларидан бири ҳисобланиб, унинг ихтиёрида тортиш кучи – қудратли электровозлар ва тепловозлар парки мавжуд. (1-жадвал).

1-жадвал – Локомотивлар эксплуатация парки

| № | Локомотив тури | Эксплуатация парки 2022 йил | Эксплуатация парки 2023 йил (прогноз) |
|-------------|-------------------------------------|-----------------------------|---------------------------------------|
| 1 | Магистрал электровозлар | 142 | 144 |
| 2 | Магистрал тепловозлар | 94 | 95 |
| 3 | Электросекциялар | 18 | 18 |
| 4 | Маневр локомотивлари (ТЭМ2 ва ЧМЭ3) | 174 | 180 |
| ЖАМИ | | 428 | 437 |

Локомотив – асосий транспорт бўлиб, усиз ташиш жараёнини амалга ошириб бўлмайди. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ривожланишининг устувор йўналишларидан бири сифатида локомотивлар паркни модернизациялаш, янгилаш ва тўлдириш қабул қилинган.

Жамиятнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида саккизта локомотив деполарда локомотивларни ва МВХТ техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш бўйича таъмирлаш-огоҳлантириш тизими амалга оширилмоқда, “Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК заводида эса локомотивларни мукамал таъмирлаш ва уларнинг хизмат муддатини узайтирган ҳолда тиклаш ишлари бажарилмоқда.

2022 йил охиригача КР-1, КР-2 таъмирлаш турлари бўйича 87 та локомотив секциялари мукамал таъмирланди.

2023 йилда ушбу таъмирлаш турлари бўйича 78 та локомотив секциялари мукамал таъмирлаш ишларини бажариш назарда тутилган.

2019 йил 17 июлдаги РІУ-05-сонли шартномага кўра, 22 та юк электровози ва 8 та юк ва йўловчи электровозлари эксплуатация қилиниб келинган.

2 жадвал – “ЎТЙ” АЖнинг локомотивлар инвентар паркиннинг ёши таркиби

| Тур | 10 йилгача | 10 дан 20 йилгача | 20 дан 30 йилгача | 30 йилдан ошган | Жами |
|--------------------------|------------|-------------------|-------------------|-----------------|------------|
| Электровозлар | 76 | 12 | 31 | 35 | 154 |
| Тепловозлар | - | 10 | | 113 | 123 |
| Манёвр локомотивлар | - | - | | 199 | 199 |
| Жами локомотивлар | 76 | 22 | 31 | 347 | 476 |

3-жадвал – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ локомотив деполар ва “Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК да бажариладиган таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш турлари

| Локомотив депо ва завод | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ да бажариладиган таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш турлари | | | | | | | | |
|-------------------------|--|-------|-------|--------------|-------|------|----------------|------|-------------------------------------|
| | Техник хизмат кўрсатиш | | | Жорий таъмир | | | Капитал таъмир | | Муддати узайтирилган капитал таъмир |
| | ТХК-2 | ТХК-3 | ТХК-4 | ЖТ-1 | ЖТ-1р | ЖТ-3 | КТ-1 | КТ-2 | МУКТ |
| Ўзбекистон | + | + | + | + | + | + | + | -* | - |
| Қўкон | + | + | + | + | + | + | - | - | - |
| Тинчлик | + | + | + | + | + | + | + | - | - |
| Бухоро | + | + | + | + | + | + | - | - | - |
| Қўнғирот | + | + | + | + | + | + | - | - | - |

| | | | | | | | | | |
|--------------------------------------|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Қарши | + | + | + | + | + | + | - | - | - |
| Термиз | + | + | + | + | + | + | - | - | - |
| Урганч | + | + | + | + | + | + | - | - | - |
| “Ўзтемирйўлмашта ьмир” УК | - | - | - | - | + | + | + | + | + |

Изоҳлар:

*“+” бажариладиган хизматлар (ишлар), “-” бажарилмайдиган ишлар (хизматлар);

ТХК-2 – техник хизмат кўрсатиш-2 – локомотивларга техник хизмат кўрсатиш пунктлари ходимлари томонидан махсус жиҳозланган кўриқдан ўтказиш ариқларида амалга оширилади. Кўриқдан ўтказиш жараёни ҳаракатланиш қисмлари, тормоз тизимлари, тортув двигателлари, ёрдамчи машиналар, трансформаторлар ва электр ускуналари текшириш каби хизматлардан иборат;

ТХК-3 – техник хизмат кўрсатиш-3 – локомотив тайинланган локомотив депосида амалга оширилади. Тормоз тизимлари, автоцепка ускуналари, скоростемерлар, автоматик локомотив сигнализацияси, ғилдирак жуфтликлари, дизель-генераторлар ва бошқа хизматларни кўриқдан ўтказиш шулар жумласидандир;

ТХК-4 – техник хизмат кўрсатиш-4 – ғилдирак жуфтликлари бандажларини белгиланган ўлчамларда сақлаб туришда амалга оширилади. Бандажларни чархлаш (йўйиш) ғилдирак жуфтликларини локомотив остидан чиқармасдан амалга оширилади;

ЖТ-1 – жорий таъмир-1 – локомотивнинг доимий дислокациясида локомотив депосида (сертификатланган таъмирлаш ташкилоти томонидан) амалга оширилади;

ЖТ-3 – жорий таъмир-3 - ТР-2 ва КР-1 ўртасидаги оралик босқич бўлиб, Локомотив компонентлари ва агрегатларини демонтаж қилиш билан умумий ва ёрдамчи ускуналарни текширишни ўз ичига олади;

КТ-1 – капитал таъмир-1 – локомотивнинг эксплуатацион хусусиятларини тиклаш учун мўлжалланган. Уни фақат завод шароитида ёки зарур жиҳозлар мавжуд бўлган депода бажариш мумкин;

КТ-2 – капитал таъмир-2 – операцион хусусиятларини тиклаш ва барча агрегатлар, йиғиш бирликлари ва қисмларининг, шу жумладан асосий қисмларнинг тўлиқ ишлаш муддатини тиклаш, симлар ва кабелларни тўлиқ алмаштириш учун мўлжалланган.

2022 йилда жами 45та локомотив секциялари, шундан 9 та электровоз секциялари, 36 та тепловоз секциялари бўйича қайта тиклаш таъмири бажарилди. 2023 йилда ушбу таъмир тури бўйича 38 локомотив секцияларини, шундан 18 та электровоз секциялари, 20 та тепловоз секциялари таъмирлаш режалаштирилган.

Юк вагонлари

Турли мақсадлар учун белгиланган вагонларни темир йўлнинг ҳаракатланувчи таркибнинг муҳим қисмларидан бири саналувчи вагонлар парки ташкил этади. Турли типлардаги вагонлардан юклар ва йўловчилар ташишда фойдаланилади.

Юк вағони қуйидаги типларга: ёпиқ вагонлар, платформалар, цистерналар, полувагонлар ва бошқаларга таснифланадиган ҳаракатланувчи таркибнинг бирлиги саналади. “ЎТЙ” АЖ ташиш жараёнини амалга ошириш учун, изотермик вагонларни ҳисобга олган ҳолда, **21 630** миқдоридagi юк вагонлари паркига эга.

Юк вагонлари паркига кенг номенклатурадаги юкларни ташувчи универсал вагонлар ва фақат биргина турдаги юкни ташиш учун ихтисослаштирилган махсус вагонлар киради.

Универсал вагонларга кузовининг ён деворларида эшикларга ва қопқоғида юк ортиш люкларига эга бўлган очик вагонлар, сочилувчан юкларни бўшатиш учун

полда бўшатиш люкларига ва икки табақали эшикларга эга бўлган полувагонлар, платформалар, турли диаметрли қозонли умумий фойдаланувдаги цистерналар, изотермик вагонлар киради. Ихтисослаштирилган юк вагонларига чорва моллари, енгил автомобиллар, совуқ катанкаланган пўлат, ун, цемент, дон ва минерал ўғитлар ташиш учун ёпиқ хоппер-вагонлар, қиздирилган бўлақлар ва музлаган коксни ташиш учун очик хоппер-вагонлар, контейнерлар, енгил автомобиллар, узунлиги 25 метрли рельсларни ташиш учун платформалар, сут, спирт, вино маҳсулотлари, кислоталар, юқори босим остидаги суюлтирилган газлар, цемент, кальцинацияланган сода ва бошқа юкларни ташиш учун цистерналар киради. Шунингдек ихтисослаштирилган юк вагонларига саноат транспорти вагонлари ва транспортёрлари киради. Республика саноати ва аҳолисининг юкларни ташишга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ ва сифатли қондириш, юкларнинг сақланиши ва ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш учун ташиш жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш даражаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

4-жадвал – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
вагонлар инвентар парки таркиби

| Вагон тури | Йиллар кесимида | | |
|--|-----------------|---------------|---------------|
| | 2021 | 2022 | 2023 |
| Ёпиқ вагонлар | 5 138 | 5 410 | 5 200 |
| Универсал платформа | 968 | 1 000 | 955 |
| Полувагонлар | 6 140 | 5 914 | 6 266 |
| Нефть ташишга мўлжалланган цистерналар | 3 489 | 3 798 | 3 778 |
| Контейнер ташишга ихтисослашган фитингли платформалар | 980 | 965 | 1 135 |
| Цемент ташишга мўлжалланган хоппер вагонлар | 2 148 | 2 101 | 2 042 |
| Минерал ўғитларни ташишга мўлжалланган хоппер вагонлар | 412 | 418 | 482 |
| Бошқа турдаги вагонлар | 1 947 | 2 024 | 2 102 |
| Жами | 21 222 | 21 630 | 21 960 |

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида Жамият заводларида 2021 йилда 983 та, 2022 йилда 1 000 та, 2023 йилда 1 000 та юк вагонлари, шу жумладан ўз эҳтиёжлари учун – 850 та юк вагонлари қурилиши (тайёрланиши) назарда тутилган (5-жадвал).

5 жадвал – Юк ташиувчи вагонларни қурилиши, дона

| № | Номи | 2021 й. | 2022 й. | 2023 й. |
|--------------|--|------------|--------------|--------------|
| 1 | Ёпиқ вагонлар | 1 | 10 | |
| 2 | Ярим очик вагонлар | 435 | 350 | 400 |
| 3 | Нефть маҳсулотларини ташиш учун цистерна вагонлар | 17 | 150 | 200 |
| 4 | Цемент маҳсулотларини ташишга мўлжалланган хопперлар | 268 | 150 | |
| 5 | Минерал ўғитларини ташишга мўлжалланган хопперлар | 62 | 80 | 50 |
| 6 | Дон маҳсулотларини ташишга мўлжалланган хопперлар | 50 | 100 | 200 |
| 7 | Думпкарлар | 50 | 50 | |
| 8 | Хоппер-дозаторлар | | 40 | |
| 9 | Контейнерлар ташишга мўлжалланган узун базали платформалар | 100 | 70 | 150 |
| ЖАМИ: | | 983 | 1 000 | 1 000 |

Йўловчи вагонлар

Йўловчи вагони – бу йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган ҳаракатланувчи таркиб бирлиги. Йўловчи вагони – йўловчи вагонлари паркининг асосий қисми бўлиб, унинг таркибига, шунингдек, йўловчилар паркининг ёрдамчи вагонлари: вагон-ресторанлар, багаж вагонлари, почта вагонлари ҳам киради.

Йўловчиларни ташиш йўлининг олислигига қараб, йўловчи вагонлар қуйидаги турларга бўлинади:

– катта (500–700 км ва юқори) масофаларга йўловчилар ташиш учун мўлжалланган олисга юрувчи вагонлар. Бундай вагонлар купели ёки плацкарт бўлади. Улар ўтириш ёки ётиш учун қаттиқ ёки юмшоқ диванлар билан жиҳозланган бўлади. Ушбу аломати бўйича қаттиқ ёки юмшоқ деб аталади.

– нисбатан қисқа вақт ичида қисқароқ (200–700 км) масофаларга, кўпинча кундузги вақтда йўловчилар ташиш учун мўлжалланган маҳаллий қатнов йўли.

– вагон-ресторанлар ва вагон-барлар йўловчиларни қатнов йўлида овқатланишларини ташкил этиш учун мўлжалланган. Бундай вагонлар залга, ошхонага, омборхонага, маҳсулотларни сақлаш учун музлатиш камераларига, хизмат кўрсатувчи ходимлар учун купе ва бошқаларга эга.

– почта вагонлари почта юқларини ташиш учун хизмат қилади. Ушбу вагонлар почта операциялари учун залга ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун хонадан иборат.

– багаж вагонлари йўловчи поездларда багаж ташиш учун мўлжалланган. Улар ортиш-бўшатиш механизмларига эга бўлган омборларга ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун хонадан иборат.

Йўловчилар паркида, шунингдек, почта-багаж вагонлари мавжуд бўлиб, улардан камроқ йўловчилар ташувчи темир йўллар линияларида фойдаланилади.

Умумий мақсадлар учун мўлжалланган йўловчи вагонларига вагон-лабораториялар, вагон-клублар, хизмат, санитария хоналари ва ҳ.к. киради. Ушбу вагонлар илмий-экспериментал, маданий-маърифий ва ўқув тадбирларини, шифокорлик-санитария эҳтиёжлари, темир йўл транспорти барча соҳаларининг линиявий бўлинмалар ишларини текшириш ва назорат қилиб бориш ва бошқа вазифаларни бажариш учун хизмат қилади.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига **747 та йўловчи вагонлари** мавжуд бўлиб, шундан **324 та вагон** – бевосита йўловчи поездларда ҳаракатланади. Жамиятнинг барча вилоят марказлари ва мамлакатнинг йирик шаҳарларида етарли даражада ривожланган **32 та темир йўл вокзаллари** мавжуд. 2012 йилдан бери Урганч, Жиззах, Навоий, Қарши, Нукус вокзаллари реконструкция қилиниб, Каттакўрғон вокзали қурилди, булардан ташқари:

“Ангрен-Поп” участкасида йўловчилар ташишни ташкил этиш мақсадида 2016 йилда Кўқон ва Андижон темир йўл вокзаллари реконструкция қилинди, шунингдек, янги Поп ва Орзу темир йўл вокзаллари қурилди.

2018 йил Тошкент-Жанубий темир йўл вокзали реконструкция қилиниб, ишга туширилди, бу вокзалдан барча маҳаллий йўналишдаги йўловчи поездлари қатнови ташкил этилади.

Бухоро-Мискен янги темир йўл участкасининг ишга туширилиши муносабати билан ушбу бўлим орқали барча йўловчи поездларининг ҳаракати ташкил этилиб, у ердан ўтувчи Тошкент-Урганч, Тошкент-Қўнғирот, Тошкент-Шовот йўловчи поездларининг йўл вақти қисқартирилди.

2018 йил Урганч-Хива темир йўл участкасида йўловчи ташиш транспорти ташкил этилгач, янги Хива темир йўл вокзали қурилиб ишга туширилди. Хоразм вилоятида сайёҳлик оқимини ривожлантириш учун 2019 йилнинг январь ойидан бошлаб 6 та янги ва қулай йўловчи вагонларидан иборат Бухоро-Хива тезюлар поездди қатнови йўлга қўйилди.

2019-2020 йилларда Наманган темир йўл вокзали реконструкция қилиниб, янги Ангрен вокзали қурилиб фойдаланишга топширилди ва мавжуд маҳаллий ва янги қўйилган халқаро йўловчи поездлари тўхташ жойлари ташкил этилди.

Андижон йўналишидаги поездларни рейсга тайёрлаш ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат даражасини ошириш, вагонларнинг санитар-техник ҳолатини яхшилаш мақсадида 2022 йилнинг декабрь ойидан “Андижон йўловчи вагонларга техник хизмат кўрсатиш” филиали ишга туширилди.

6 жадвал – Йўловчи вагонларнинг хизмат муддатига таркиби

| Хизмат муддати | Сони, дона | Улуши, % |
|-------------------|------------|------------|
| 29 йилдан ортиқ | 469 | 62,8 |
| 21 дан 28 йилгача | 31 | 4,1 |
| 11 дан 20 йилгача | 40 | 5,4 |
| 10 йилгача | 207 | 27,7 |
| Жами | 747 | 100 |

7 жадвал – Йўловчи вагонларини 2023 йилда режавий таъмирдан ўтказиш прогнози

| Вагон типи/йиллар | Таъмир турлари | | | | | | | | | |
|--|----------------|------------|-----------|------------|-----------|-----------|----------|------|-----------|-----------|
| | ДР* | | КР-1* | | КР-2* | | КВР* | | ДР ВЧД-5* | |
| | 2022 | 2023 | 2022 | 2023 | 2022 | 2023 | 2022 | 2023 | 2022 | 2023 |
| СВ (ётоқли юқори кулайликга эга вагон) | 9 | 6 | 10 | 8 | 5 | 5 | | | | |
| ЦМК (ётоқли ўрта кулайликга эга вагон) | 47 | 27 | 18 | 43 | 15 | 22 | 5 | | | |
| ЦМО (умумий ётоқли вагон) | 59 | 40 | 25 | 53 | 1 | 3 | | | 36 | 24 |
| МО (ўриндиқли вагон) | 25 | 20 | 13 | 9 | | | 1 | | | |
| ВР (вагон-ресторан) | 12 | 12 | 3 | 9 | | | | | | |
| ЦМБ (багаж ва юк-багаж ташиш вагони) | 4 | 4 | | 1 | | | | | | |
| ЗАК (махсус контингент ташиш вагони) | 7 | 5 | 1 | | | | | | | |
| Хизмат вагон (техник ва хизмат вагонлар) | 4 | 8 | | 1 | | | | | | |
| ЖАМИ | 167 | 122 | 70 | 124 | 21 | 30 | 6 | | 36 | 24 |

Изоҳлар*:

ДР – депо таъмири – вагонларнинг айрим таркибий қисмларини алмаштириш ёки таъмирлаш ҳамда алоҳида узеларини модернизация қилиш орқали уларнинг иш қобилиятини тиклашнинг режавий таъмир тури;

КР-1 – капитал таъмир-1 – вагонларнинг ишлашини ва ресурсларини эскирган ва шикастланган узел ва деталларини алмаштириш ҳамда уларни модернизация қилиш орқали тиклаш учун режавий таъмир тури;

КР-2 – капитал таъмир-2 – вагонларнинг ишлашини ва ресурсларини кузовни металлгача очиш ҳамда иссиқлик изоляцияси ва электр симларини алмаштириш орқали тиклаш учун режавий таъмир тури. Зарур ҳолларда базавий тизимлар, қурилмалар элементларини алмаштириш ва асосий узелларни модернизация қилиш орқали;

КВР – капитал-тикловчи таъмир – кузов ва аравачаларнинг мавжуд тикланган курилмаларидан фойдаланган, ички ускуналарни янгилаган ҳамда замонавий интерьерни яратган ҳолда йўловчи вагонларни таъмирлаш.

Йўл ва йўл хўжалиги.

Йўл хўжалиги – темир йўл транспорти фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаб беришда асосий ва ўзига хос муҳим хўжалик ҳисобланади. Унинг таркибида темир йўллар, ер қопламаси, сунъий иншоотлар, ишлаб чиқариш объектлари, темир йўл ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи қурилма иншоотлари ва йўлларни жорий ҳолатда сақланишини таъминлаш ва таъмирлаш техник хизмат кўрсатиш воситалари мавжуд.

Бозор иқтисодиёт тизимига ўтиш темир йўлларнинг юқори талабларга жавоб беришида ҳамда уларни яхши ҳолатда сақланишида техника ва механизмлардан самарали фойдаланиш имкониятини яратди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятида 2000 йилдан бошлаб янги темир йўлларни қуриш, таъмирлаш ва соз ҳолатда сақлашга техникаларнинг янги моделларини жалб қилиш бошланди. Улар юқори самарадорликка эга бўлган Австриянинг “Плассер ва Тойрер” фирмасининг RM-80 русумли шағал (балласт) тозаловчи, “Дуоматик” 08-32 русумли темирйўл панжарасини кўтариш, суриш ва йўлни теккислаш учун, SSP-110 русумли шағал (балластни) тақсимловчи, ДГС-62 русумли йўлларни динамик стабиллаштирувчи, АРТ-500 русумли рельсларни пайвандловчи, ЕМ-120 русумли йўл ҳолатини текширувчи машиналари, “Жейсмар” фирмасининг шпалларни алмаштирувчи машиналари, юк кўтариш дрежиналари ва бошқа турли йўл таъмирлаш ишларни бажарувчи машина ва ускуналар.

Йўл машина-механизмларининг янги авлодларидан фойдаланиш йўл хўжалигида темир йўлларни тубдан таъмирлаш ҳамда реабилитация ишларнинг самарадорлигини оширади. Бу машина ва механизмлар янги темир йўлларни қуриш ва уларни жорий сақлаш, таъмирлаш ишларида ҳам фойдаланилади. Уларнинг барчаси ўзи юришига мўлжалланган бўлиб, уларга тепловозлар ёки электровозларнинг тортувчи кучи зарур эмас.

2015 йилда Самарқанд-Қарши йўлини электрлаштириш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш лойихаси яқунланди ва фойдаланишга топширилди.

2016 йилда Самарқанд-Бухоро йўлини электрлаштириш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш лойихаси яқунланди ва фойдаланишга топширилди.

2017 йилда 325 км Қарши-Термиз йўлини электрлаштириш ишлари яқун топиб, фойдаланишга топширилди.

2018 йилда Бухоро-Мискен йўналишида узунлиги 357,3 км ҳамда узунлиги 33,8 км Урганч-Хива янги темир йўллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қарши-Китоб йўналишидаги 124 км темир йўллари электрлаштирилди. Қандим ГҚЗ ва Шербод цемент заводларига шаҳобча йўллар қурилди.

2019-2020 йилларда Тошкент шаҳрида айланма йул усти метрополитен линиясининг 1-босқичи ва Юнусобод метрополитен ер ости линияси қурилиши ишлари олиб борилди.

Тошкент металлургия заводи ҳудудида шахобча йўли қурилиш ишлари бошланди.

2019-2020 йиллар давомида Поп-Наманган-Андижон темир йўл қисмини электрлаштириш ва Андижон-Савай-Хонобод темир йўл қисмини модернизация қилиш ишлари бажарилди.

2020-2021 йилларда “Тошкент шаҳридаги ер усти халқа йўли метрополитен линияси қурилиши” ва “Тошкент шаҳрида Сергели айланма ер усти метрополитен линияси қурилиши” тўлиқ қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

2022 йилда 250 км йўлни реабилитация қилиш, 140 км улоқсиз темир йўл изларини ётқизиш, 185 км йўлни ўрта ва 182 км йўлни кўтарма таъмирлаш, 250 комплект стрелкали ўтказгични алмаштириш, 250 комплект брусли ўтказгични алмаштириш ишлари амалга оширилди.

Йўл хўжалиги бошқармаси томонидан 2023 йилда амалга ошириладиган асосий вазифалар қуйидагилар:

| № | Чора-тадбирлар | Бажарувчи |
|---|--|---|
| 1 | Темир йўлни реабилитация қилиш (250 км), улоқсиз йўлларни ётқизиш (140 км), янги темир йўлларни қуриш, Навоий - Бухоро электрлаштирилган юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар йўлининг қурилиши, “Амударё устидан ўтувчи бирлаштирилган кўприк билан Шовот-Гурлен-Жумуртау-Қипчоқ (Караузьяк) темир йўл линияси қурилиши” Тошкент шаҳрида айланма йул усти метрополитен линия қурилишининг 2 босқичи | Йўл машина станциялари ТЙМС 203-Тошкент, ЙМС-17-Бухоро, ЙМС-164 Кўкон, ЙМС-166 - Хайробод, ЙМС-214-Қарши, ЙМС-279 – Қунғирот, Бухоро Кўприк қурилиш поезда |
| 2 | Темир йўлларни, кесимчаларни, сунъий иншоотларни жорий таъмирлаш; Темир йўлларни ўрта (170 км) ва кўтарма (160 км) таъмирлаш; Стрелкали ўтказгичлар ва брусларини алмаштириш - 250 комплект; Стрелка ўтказгич брусларини алмаштириш – 250 комплект. | Темир йўл масофалари (18 корхона), Бухоро Кўприк қурилиш поезда |
| 3 | Йўл машиналарни, қурилиш машиналарини ва ускуналарни таъмирлаш. | Бухоро Йўл хизмат устахонаси |
| 4 | Темир йўлларни жорий таркиб, қум ва қор кўчкинларидан химоялаш ва уларни таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш. | Ихота дарахтларини ўтказиш ва қўриқлаш масофалари (ПЧЛ) |

| | | |
|----|--|-------------------------|
| 5. | Темир йўл ишларини механизациялаштириш, бошқарма таркибидаги корхоналарни юқори жорий таркибидаги жиҳозлар ва ускуналар билан таъминлаш. | Йўл хўжалиги бошқармаси |
| 6 | Сунъий иншоотларни тубдан таъмирлаш, темир ва темир-бетон кўприклар қурилмаларини алмаштириш. | Йўл хўжалиги бошқармаси |

Электр таъминоти

Электр таъминоти бошқармасининг асосий вазифаси – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ истеъмолчиларини (биринчи навбатда ташиш жараёнида иштирок этувчи) электр энергия билан таъминлашни, поездларнинг хавфсиз ва узлуксиз ҳаракатини кафолатловчи техник воситалар ва электр таъминоти қурилмаларининг барқарор ишлашини таъминлашни ташкил этиш.

Электр таъминоти тизимига тортувчи ва трансформатор подстанциялари, контакт тармоғи, автоблокировка таъминот пунктлари, юқори кучланишли ва паст кучланишли кабель ва ҳаво электр узатиш линиялари ва бошқалар киради.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг энг муҳим вазифаси – оғир йўл профилига эга бўлган йўл ҳаракати кўп бўлган участкаларни электрлаштириш бўлиб, бу электр тортувнинг дизель тортувга нисбатан самарадорлигига боғлиқ.

Электр тортув поездларнинг оғирлигини (3-4 фоизга) оширишга ва участкаларда поездлар тезлигини (24-25 фоизга) оширишга имкон беради, бу эса транспорт харажатларини сезиларли даражада камайтиришга олиб келади. Электр тортув ҳам дизель тортувга қараганда экологик жиҳатдан қулайроқдир.

Электр локомотивларни тортувчи подстанциялар узлуксиз электр энергия билан ва узоқ вақт ортиқча юкламаларга бардошлигини таъминлайди. Поезднинг рекуператив тормозлашида электр энергиясини ишлаб чиқариш ва тармоққа қайтариш электр локомотивларнинг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Темир йўлни электрлаштириш - темир йўл инфратузилмаларининг эксплуатация ишини сифат жиҳатдан ўзгартиради, темир йўлчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини, йўловчиларга хизмат кўрсатилишини яхшилади (шовқин камаяди, ҳаракат тезлиги ортади, сафар чоғида қулайлик даражаси ошади ва х.к.).

Республикамиз темир йўл соҳасида 1971 йилдан бошлаб Тошкент темир йўл узелининг “Чингелди – Келес – Тошкент - йўловчи – Ховос”, “Келес – Далагузар” участкаларида шаҳар атрофи темир йўл линияларини дастлабки электрлаштириш поездлар ҳаракати доимий токда амалга оширилган. 1983 йилдан бошлаб Тошкент-Ховос ва Тошкент-Хожикент участкаларида поездлар ҳаракати доимий токдан ўзгарувчан токка ўтказилди.

Ҳозирги кунга келиб темир йўлларни электрлаштиришда йирик лойиҳалар амалга оширилди, булар:

2018 йилда:

Поп-Наманган-Андижон участкаларини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари бажарилди;

Урганч-Хива участкасини 10кВ кучланишли ҳаво электр узатиш линиясини қуриш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари якунланди;

Қарши-Китоб электрлаштирилган участкаси фойдаланишга топширилди.

Поп-Қўқон-Андижон участкаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари электрлаштиришнинг II босқичи жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

2019 йилда:

Поп-Наманган-Андижон участкаларини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди;

Поп-Наманган электрлаштирилган участкаси фойдаланишга топширилди.

Поп-Қўқон-Андижон участкаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари электрлаштиришнинг II босқичи жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш ишлари давом этди;

Мароқанд-Навоий участкасидаги юк йўлини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

2020 йилда:

Поп-Наманган-Андижон участкасини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди;

Поп-Қўқон-Андижон участкасини қурилиш-монтаж ишлари электрлаштиришнинг II босқичи жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилди;

Мароқанд-Навоий участкасидаги юк йўлини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.

2021 йилда:

Поп-Наманган-Андижон участкасини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди;

Поп-Қўқон-Андижон участкасини электрлаштиришнинг II босқичи жамият ўз маблағлари ҳисобидан қурилиш-монтаж ишларини якунланди;

Навоий-Бухоро-2-электрлаштирилган тезюрар темир йўл лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари манзилли дастур доирасида бажарилди;

Бухоро-Урганч-Хива темир йўл участкасини электрлаштириш бўйича қурилиш-монтаж ишлари манзилли дастур бўйича ишлар давом этди.

2022 йилда:

Бухоро-Урганч-Хива темир йўл линиясини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда;

“Мароқанд-Навоий” участкасидаги юк йўлини электрлаштириш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда;

“Навоий-Бухоро” участкасида юқори тезликда электрлаштирилган йўлни қуриш лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда;

2023 йилда қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

“Бухоро-Урганч-Хива темир йўл линиясини электрлаштириш” лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилади;

Мароқанд-Навоий участкасида юк йўлини электрлаштириш бўйича қурилиш-монтаж ишларини якунлаш;

Навоий-Бухоро участкасидаги иккинчи юқори тезликдаги электрлаштирилган темир йўлнинг қурилиши лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишларини якунлаш.

Мавжуд тортиш нимстанциялари ва секциялаш постлари модернизациялаш ва янгилаш бўйича қурилиш-монтаж ишлари бошланади, янги секциялаш постларини қуриш ва мавжуд участкаларда контакт тармоғини мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилади.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан 34 та замонавий электропоездлар харид қилиниши натижасида қуйидаги 8 та янги йўналишларда қатновлар йўлга қўйилади:

- 1) Тошкент – Жиззах – Тошкент;
- 2) Тошкент – Келес – Тошкент;
- 3) Навоий – Бухоро – Навоий;
- 4) Самарқанд – Жиззах – Самарқанд;
- 5) Самарқанд – Шахрисабз – Самарқанд;
- 6) Самарқанд – Қарши – Самарқанд;
- 7) Андижон – Хонобод – Андижон;
- 8) Нукус – Хива – Нукус.

Сигнализация ва алоқа

Сигнализация ва алоқа бошқармаси “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ҳаракат хавфсизлигига сўзсиз амал қилган ҳолда сигнализация ва алоқанинг барча техникавий восита ва қурилмаларининг созлигини таъминлайди.

Темир йўл участкаларида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда автоматик блокировка, станцияларда стрелка ва сигналларни автоматик бошқариш, диспетчерлик марказлаштириш билан таъминланади. Автоматик блокировка тизими поездни бошқа поезд банд қилган ёки ҳудудида рельсларнинг бутлиги бузилган участкага киришини олдини олиш (блокировка қилиш) учун мўлжалланган. Ярим-автоматик блокировка тизимлари поездларни станциялар оралиғидаги перегонга чиқиб кетишини олдини олиш (блокировка қилиш) учун мўлжалланган. Станцияларда стрелка ва сигналларни автоматик бошқаришнинг асосий мақсади станциялар ҳудудида муайян кесиб ўтилмайдиган йўналишлар бўйлаб поездлар

ҳаракати учун шароит яратишдир. Диспетчерлик марказлаштириш тизимларининг ишидан мақсад перегон ва станциялар бўйлаб поездларни шу тарзда ўтиш тартибини таъминлашдир.

Жамиятнинг сигнализация ва алоқа бошқармаси сифат ва ишончлилиқнинг талаб этиладиган стандартларига мувофиқ автоматика, телемеханика ва алоқа қурилмаларини техникавий эксплуатациясини таъминлайди. Жамиятда мавжуд сигнализация, марказлаштириш ва блокировка (СМБ) тизимини модернизациялаш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Микропроцессорли марказлаштиришнинг юқори технологик (МПЦ туридаги) тизимларини жорий қилиш стрелкали ўтказгичлар ва сигнал қурилмаларини бошқариш билан бир қаторда барча узелларнинг ишини диагностика қилиш, шунингдек, операторлар ёки станция навбатчиларининг ҳаракатларини назорат қилиш имконини беради.

Реал вақт режимида поездлар вазиятини ҳамда станция ва перегонларда ўқларни ҳисоблашнинг электрон (ЭССО турдаги) тизимини назорат қилишга имкон берадиган микропроцессорли диспетчерлик марказлаштириш қурилмаларни жорий қилиш поездлар ҳаракат хавфсизлигини ишончли таъминлашга имкон беради.

Ҳозирги пайтда “ЎТЙ” АЖни сигнализация ва алоқа қурилмалари билан техникавий жиҳозланиши қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

185 та станция стрелкали ўтказгичлар ва сигналларни электр марказлаштириш қурилмалари билан жиҳозланган;

65 та станция стрелкали ўтказгичлар ва сигналларнинг микропроцессорли электр марказлаштириш қурилмалари билан жиҳозланган;

29 та станция калитли боғланиш қурилмалари билан жиҳозланган;

1 302,23 км перегонлар автоблокировка қурилмалари билан жиҳозланган;

3 391,8 км йўл яримавтоматик блокировка билан жиҳозланган, шундан 1 656,5 км дан кўпроғи микропроцессорли яримавтоматик блокировка қурилмалари билан жиҳозланган;

99,8 км йўл электр жезл тизими билан жиҳозланган;

2 188,5 км йўл диспетчерлик марказлаштириш қурилмалари билан жиҳозланган.

2022 йилда СМБ йўналиши бўйича қуйидаги лойиҳаларни амалга оширилди:

- “Навоий-Бухоро участкасида иккинчи тезюрар электрлаштирилган темир йўл изининг қурилиши” лойиҳаси доирасида участкадаги МПЦ ва МПБ тизимларини реконструкция қилиш ва 38, 39, 40 Раъзедларни электр марказлаштириш қурилмалари билан, перегонларни микропроцессорли блокировкалаш МПБ қурилмалари билан жиҳозлаб ишга тушириш ва фойдаланишга топширилди;

- “Мароқанд - Навоий темир йўл участкаси юк йўлини электрлаштириш” лойиҳасига асосан Рзд.24, Рзд.28, Рзд.30, Нурбулоқ ва Каттакўрғон станцияларидаги

мавжуд СМБ ва алоқа тизимларини модернизация қилиш ишлари олиб борилди ва давом этмоқда;

-“Шовот - Қораўзак янги темир йўл линиясини ҳамда Амударё устидан ўтувчи темир йўл ва автомобил йўли қўшма кўпригини қуриш” лойиҳасига асосан темир йўл участкасидаги станцияларни янги электр марказлаштириш қурилмалари, МПБ микропроцессорли блокировкаш ва ўқларни электрон ҳисоблаш қурилмалари ҳамда темир йўл кесишмаларини МАПС қурилмалари билан жиҳозлаш ва ишга тушириш ишлари бажарилди (лойиҳа ишлари тугатилди ва материаллар ҳамда ускуналар харид қилингандан сўнг ишлар амалга оширилади).

Амалга оширилган ишлар эскирган ва хизмат муддатини ўтаб бўлган ЭМ қурилмаларини янги замонавий МПЦ қурилмаларига алмаштириш ва поездлар ҳаракати хавфсизлигини ошириш, СМБ қурилмаларини ишончилигини ошириш, станция ва перегон ташқи ускуналарини минимал даражага тушириш, эксплуатация ва қурилмаларга техник хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш имкониятини беради.

Телекоммуникация тармоғи қуйидагилар учун мўлжалланган:

поездларнинг хавфсиз ва самарали ҳаракатини таъминлаш учун поезд машинистлари ва диспетчерлик аппарати ўртасида ахборотни узатиш;

самарали тижорат операцияларини таъминлаш ҳамда мижозларга кўрсатиладиган хизмат сифатини ошириш мақсадида станциялар ўртасида маълумот узатиш;

қўшни темир йўллар ўртасида самарали алоқани таъминлаш.

Барча турдаги алоқани, шунингдек, диспетчерлик марказлаштириш қурилмалари ишини таъминлаш учун ҳаво ва кабелли алоқа линиялари ишлатилади.

Ҳозирги пайтда “ЎТЙ” АЖ тизимида 2 531 км магистрал оптик-толалик алоқа линиялари (ОТАЛ) қурилиб, фойдаланишга киритилган, шу жумладан участкалар бўйича Келес-Бухоро (668 км), Хаваст-Бекабад (35 км), Мароқанд-Қарши (147 км), Тошғуздор-Бойсун-Қумқўрғон (232 км), Қумқўрғон-Термиз (101 км), Термиз-Сурхонобод (82 км), Термиз-Ғалаба-Досмотровая-Амузанг (58 км), Сариосиё-Қудукли (8 км), Тўқимачи-Ангрен (117 км), Ангрен-Поп-Қўқон (180 км), Қўқон-Андижон (144 км), Қарши-Китоб (131 км), Бухоро-Мискен-Урганч-Хива (390 км), Ангрен-Поп тоннели (19 км), Мискен-Урганч (100 км), Нукус-Қўнғирот (119 км).

Келес–Бухоро, Мароқанд-Қарши, Қарши-Қумқўрғон-Термиз ва Ангрен-Поп участкаларида SDH технологияси асосидаги узатиш тизимлари ўрнатилган. Юқори сатҳи Nortel OME6100 (STM-16) ва пастги сатҳи Keumile UMUX-1500 (STM-4) аппаратураси базасида қурилган. Ангрен-Поп-Қўқон-Андижон, Бухоро-Мискен ва Урганч-Хива участкаларида МО русумидаги оптик мультиплексорлар, СГМ ўзгарувчан мультиплексорлар тизими асосида маълумот узатиш тизимлари ўрнатилган. Қизилқудуқ-Қораўзак ва Урганч-Мискен участкаларида IP Fone MCL, РИССА маълумот узатиш рақамли тизимлари ишлаб турибди.

2023 йилда алоқа йўналиши бўйича қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш ишлари режалаштирилган:

- “Навоий-Бухоро участкасида иккинчи тезюрар электрлаштирилган темир йўл изининг қурилиши” лойиҳаси доирасида участкадаги 38, 39, 40 разъездларга оптик толали алоқа кабелида ишлайдиган SDH STM-4 мультиплексорлаш тизими ускуналари, баланд овозли хабар бериш-парк алоқаси тизими ускуналари, хужжатлаштирилган овоз ёзиш тизим ускуналари, рақамли поезд радиоалоқаси ускуналари, бекат радиоалоқаси ускуналари ва бошқа турдаги алоқа ускуналари харид қилингандан сўнг ишлар амалга оширилади;


- “Мароқанд-Навоий темир йўл участкаси юк йўлини электрлаштириш” лойиҳасига асосан участканинг барча бекатларида тезкор технологик алоқаси тизими ускуналари, баланд овозли хабар бериш-парк алоқаси тизими ускуналари, хужжатлаштирилган овоз ёзиш тизим ускуналари, икки диапазонли ҚТ/УҚТ рақамли поезд радиоалоқаси ускуналари, ҚТ/УҚТ диапазонли бекат радиоалоқаси ускуналари, маълумотларни узатиш тизими ускуналари ва бошқа турдаги алоқа ускуналари ўрнатилади. Ундан ташқари, оптик толали алоқа кабелини диагностика қилиш ва таъмирлаш учун кабел бригадаларни махсус ўлчов асбоблари (оптик пайвандлаш асбоби, оптик рефлектометр, оптик тестер, оптик толали кабелни монтаж учун махсус асбоблар тўплами) билан таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда ва лойиҳа 2023 йил 1-ярим йиллигида тугатилиши кўзда тутилган;

- “Шовот- Қораўзак янги темир йўл линиясини ҳамда Амударё устидан ўтувчи темир йўл ва автомобил йўли қўшма кўпригини қуриш” лойиҳасига асосан оптик-толали алоқа линияларини қуриш, сифатли ва ишончли тезкор технологик алоқа тизими билан таъминлаш, шунингдек станцияларда поезд диспетчерлик алоқа, бекатлараро алоқа, технологик телефон алоқа, тўғридан-тўғри алоқа, поезд радиоалоқаси, маълумотлар узатиш каналлари ва бошқа алоқа турлари билан жиҳозлаш ва ишга тушириш ишлари режалаштирилган (лойиҳа ишлари тугатилди ва материаллар ҳамда ускуналар харид қилингандан сўнг ишлар амалга оширилади).

Лойиҳа доирасида ушбу участкада оптик толали алоқа кабели ётқизилади ва барча бекатларда SDH STM-4 мультиплексорлаш тизими ускуналари, тезкор технологик алоқаси тизими ускуналари, баланд овозли хабар бериш-парк алоқаси тизими ускуналари, хужжатлаштирилган овоз ёзиш тизим ускуналари, икки диапазонли ҚТ/УҚТ рақамли поезд радиоалоқаси ускуналари, ҚТ/УҚТ диапазонли бекат радиоалоқаси ускуналари, маълумотларни узатиш тизими ускуналари ва бошқа турдаги алоқа ускуналари ўрнатилади.

Бу эса ўз навбатида замонавий ускуналар базасида Оптик толали алоқа линиялари (ОТАЛ)ни жорий қилиш магистрал ва барча тезкор-технологик алоқа турларини ташкил этишга, маълумотларни узатиш каналларини юзлаб баравар кўпайтириш имконини беради.

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг ташкилий тузилмаси



1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот

| КОРХОНА ТИЗИМИГА КИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР РЎЙХАТИ: | | | | | | | | |
|---|--|------------------|---------------------------------|---|----------------------------|-------------|--------------------------|---------|
| № | Корхона номи | Улуш миқдори (%) | Устав капитали (баланс қиймати) | Фаолият йўналиши | Олинган даромад (дивиденд) | | Киритилган инвестициялар | |
| | | | | | 2021 й. | 2022 й. | 2021 й. | 2022 й. |
| 1. ТИЗИМДАГИ КОРХОНАЛАР | | | | | | | | |
| 1. | “Ўзвагонтаъмир” АЖ | 90 | 2 968 227 | Юк ва йўловчи вагонларни таъмирлаш | 61 949 | 118 919 | | |
| 2. | “Ўзтемирйўлйўловчи” АЖ | 98,3 | 51 263 978 | Йўловчиларни ташишни ташкил этиш | - | - | | |
| 3. | “Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖ | 90 | 5 649 047 | Йўловчи вагонларни таъмирлаш | 869 388 | - | | |
| 4. | “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ | 90 | 3 366 271 | Транспорт логистикаси ва транспорт экспедиторлиги | 29 645 066 | 102 318 652 | | |
| 5. | “Йўлрефтранс” АЖ | 51 | 21 887 309 | Тез бузилувчан юкларни ташиш | - | - | | |
| 6. | “Гранит” АЖ | 43,4 | 1 322 943 | Норудавий қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 45 016 | 208 646 | | |
| 7. | “Тошкент механика заводи” АЖ | 89 | 110 229 584 | Машинасозлик | 744 748 | 36 479 777 | - | - |

| | | | | | | | | |
|-----|--|-----|-------------|---|--|-----------|---|---|
| 8. | “Тошкент минтақавий темир йўл узели” УК | 100 | 104 202 801 | Темир йўл юк транспорти | “ЎТЙ” АЖнинг умумлаштирилган (консолидациялашган) балансига киради | | | |
| 9. | “Кўкон минтақавий темир йўл узели” УК | 100 | 29 114 462 | Темир йўл юк транспорти | “ЎТЙ” АЖнинг умумлаштирилган (консолидациялашган) балансига киради | | | |
| 10. | “Бухоро минтақавий темир йўл узели” УК | 100 | 100 846 114 | Темир йўл юк транспорти | “ЎТЙ” АЖнинг умумлаштирилган (консолидациялашган) балансига киради | | | |
| 11. | “Қарши минтақавий темир йўл узели” УК | 100 | 85 470 771 | Темир йўл юк транспорти | “ЎТЙ” АЖнинг умумлаштирилган (консолидациялашган) балансига киради | | | |
| 12. | “Термиз минтақавий темир йўл узели” УК | 100 | 36 118 404 | Темир йўл юк транспорти | “ЎТЙ” АЖнинг умумлаштирилган (консолидациялашган) балансига киради | | | |
| 13. | “Кўнғирот минтақавий темир йўл узели” УК | 100 | 40 776 149 | Темир йўл юк транспорти | “ЎТЙ” АЖнинг умумлаштирилган (консолидациялашган) балансига киради | | | |
| 14. | “Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК | 100 | 15 186 707 | | | | - | - |
| 15. | “Андижон механика заводи” ШК | 100 | 1 905 757 | Темир йўл юк вагонларини қуриш ва таъмирлаш | 414 133 | 3 999 717 | | |
| 16. | "Қуюв механика заводи" ШК | 100 | 833 480 | Темир йўл юк вагонларини қуриш ва таъмирлаш | | | | |
| 17. | “Ўзтемирйўлқурилишмонтаж” УК | 100 | 149 700 | Темир йўллар ва метро линияларини қуриш | 679 331 | - | - | - |
| 18. | “Кўприкқурилиш трести” УК | 100 | 425 971 | Кўприклар ва туннелларни қуриш | 485 872 | - | - | - |
| 19. | “1-сон энергомонтаж поезда” УК | 100 | 332 456 | Таксимловчи муҳандислик объектлари қуриш | 632 | 273 477 | | |

| | | | | | | | | |
|------------------------------|--|------|------------|---|--|--------|--|--|
| 20. | “406-сон ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж поезда” УК | 100 | 41 835 | Электр энергияси ва телекоммуникация билан таъминлаш учун тақсимловчи объектлар қуриш | | | | |
| 21. | “14-сон рельс пайвандлаш поезда” УК | 100 | 1 353 886 | Тайёр металл буюмларни таъмирлаш | - | 32 321 | | |
| 22. | “Ўзбектемирйўлэкспедиция” УК | 100 | 2 670 542 | Халқаро юк ташувларида транспорт-экспедиторлик фаолиятида воситачилик функцияларини бажариш | | | | |
| 23. | “Эйвалек махсус темир бетон” УК | 100 | 29 481 156 | Бетондан қурилиш учун буюмларни ишлаб чиқариш | | | | |
| 2. НОСОҲАВИЙ АКТИВЛАР | | | | | | | | |
| 24. | “Угам-Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси” УК | 100 | 1 322 229 | Ботаника боғлари, ҳайвонот боғлари ва қўриқхоналар фаолияти | “ЎТЙ” АЖ томонидан смета асосида молиялаштирилади | | | |
| 25. | “Шарғункўмир” АЖ | 99,9 | 7 029 420 | Тошқўмир ишлаб чиқариш | | | | |
| 26. | “Қарши МТУ” УК таркибидаги “Қорабайир” от наслчилиқ комплекси (филиал) | 100 | 47 893 746 | Наслчилиқ | “ЎТЙ” АЖнинг умумлаштирилган (консолидациялашган) балансига киради | | | |
| 27. | Поп туманидаги “Темирйўлөнилғитаъмин” бошқармасининг брикет ишлаб | 100 | 38 490 234 | Кўмир брикет ишлаб чиқариш | “ЎТЙ” АЖнинг умумлаштирилган (консолидациялашган) балансига киради | | | |

| | | | | | |
|------------|--|-----|-----------|--|--|
| | чиқариш заводи | | | | |
| 28. | Тошкент темир йўл техникуми | 100 | муассаса | Техник ва профессионал ўрта таълим | “ЎТЙ” АЖ томонидан смета асосида молиялаштирилади |
| 29. | Самарқанд темир йўл техникуми | 100 | муассаса | Техник ва профессионал ўрта таълим | “ЎТЙ” АЖ томонидан смета асосида молиялаштирилади |
| 30. | Қўқон темир йўл техникуми | 100 | муассаса | Техник ва профессионал ўрта таълим | “ЎТЙ” АЖ томонидан смета асосида молиялаштирилади |
| 31. | Темирйўлчилар маданият саройи | 100 | 3 924 485 | Бошқа тоифаларга киритилмаган аъзолик ташкилоти фаолияти | “ЎТЙ” АЖ томонидан смета асосида молиялаштирилади |
| 32. | Соғлиқни сақлаш хизмати | 100 | муассаса | Соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа фаолият | “ЎТЙ” АЖ томонидан смета асосида молиялаштирилади |
| 33. | Марказий клиник касалхонаси | 100 | муассаса | Шифохона муассасалари фаолияти | “ЎТЙ” АЖ томонидан смета асосида молиялаштирилади |
| 34. | Марказий поликлиника | 100 | муассаса | Шифохона муассасалари фаолияти | “ЎТЙ” АЖ томонидан смета асосида молиялаштирилади |
| 35. | Йўл болалар касалхонаси | 100 | муассаса | Шифохона муассасалари фаолияти | “ЎТЙ” АЖнинг умумлаштирилган (консолидациялашган) балансига киради |
| 36. | Темир йўл ўлатга қарши станцияси | 100 | муассаса | Соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқа фаолият | “ЎТЙ” АЖнинг умумлаштирилган (консолидациялашган) балансига киради |
| 37. | “Локомотив” марказий жисмоний спорт клуби станциядаги филиаллари билан | 100 | муассаса | Спорт ва соғломлаштириш фаолияти | “ЎТЙ” АЖнинг умумлаштирилган (консолидациялашган) балансига киради |

1.5. Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, шу жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя

2023 йил 1 январь ҳолатига штатлар жадвали бўйича штат бирликлари сони 77 366 тани, иш ўринлари сони 69 573 тани, жами меҳнат фаолиятини олиб бораётган ходимлар сони фуқаровий-ҳуқуқий тусдаги шартномалар билан биргаликда 79 421 нафарни ташкил қилади, улардан аёллар 18%, яъни 14 024 нафарни ташкил этади.

2022 йил январь-декабрь ойларида Жамият корхона ва ташкилотларига жами 4 632 нафар фуқаро ишга олинган бўлиб, уларнинг 924 нафари 2022 йил битирувчиларидир. Жамият бўйича кадрлар кўнимсизлиги 1,08% ни ташкил этди.

Ходимларнинг 24%ини 30 ёшгача бўлган ёшлар, 30-45 ёш оралиғидагилар 48% ни, 45 ёшдан ошганлар 28% ни ташкил этади.

Ходимларнинг 17,9 фоизи олий маълумотга, 49,1 фоизи ўрта-махсус маълумотга ва 33 фоизи ўрта маълумотга эгадирлар, раҳбар лавозимидаги ёш ходимлар сони қарийб 360 нафарни ташкил этади.

Ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган бошқарув ходимлари 3 820 нафарни, ишлаб чиқариш ходимлари 53 469 нафарни, техник ходимлар 8 997 нафарни, хизмат кўрсатиш ходимлари 13 135 нафарни ташкил этади.

Жамият бўйича тасдиқланган касбий стандартлар асосида лавозим йўриқномалари ишлаб чиқилган, ўрнатилган тартибда тасдиқланган.

Жамият бўйича фуқароларни ишга қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига белгиланган талаблар ва Жамият локал ҳужжатларида белгиланган тартиб доирасида амалга оширилиб келинмоқда.

Жамият учун ўрта бўғин бошқарув кадрлари, мутахассислари ва ишчилари тасарруфдаги Тошкент, Самарқанд ҳамда Қўқон темир йўл техникумларида тайёрланиб келинмоқда.

Тошкент темир йўл техникуми ҳузурида Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази, Машинист ва машинист ёрдамчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув марказининг фаолияти йўлга қўйилди.

Техникумларда 22 та касб бўйича ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда дуал таълим тизими жорий этилди.

Техникумларда соҳа учун 29 та касб ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш имкони яратилди, 2021/2022 ўқув йилида таълимнинг кундузги, сиртқи ҳамда дуал шакли бўйича 7 641 нафар (таълимнинг кундузги шакли бўйича 5 112 нафар, таълимнинг сиртқи шакли бўйича 1 621 нафар, таълимнинг дуал шакли бўйича 908 нафар) ёшлар ўқитиш билан қамраб олинди.

2022/2023 ўқув йилида яна 3 800 нафар (таълимнинг кундузги шакли бўйича 1 175 нафар, таълимнинг сиртки шакли бўйича 1 200 нафар, таълимнинг дуал шакли бўйича 1 425 нафар) ёшларни ўқитиш билан қамраб олиш режалаштирилган.

2021 йилда техникумларда таҳсил олаётган, тасарруфдаги корхоналарда меҳнат қилаётган ёшлар орасида 41 нафар ёшлар танлаб олиниб, хорижий университетларга ўқишга юборилган бўлса, 2022 йилда яна 50 нафарга яқин ёшларни хорижий университетларга ўқишга юбориш режалаштирилиб, ўрнатилган тартибда танлов эълон қилинди.

Техникумлар салоҳиятидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги 287-сон ҳамда 2021 йил 30 сентябрдаги 616-сон қарорларига мувофиқ, Малакани баҳолаш бўлими ташкил этилди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида, хорижнинг етакчи олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш борасида бошқарма томонидан тегишли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

2005 йилдан шу кунга қадар Россия Федерацияси ва бошқа хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик Тошкент темир йўл муҳандислари институти (Тошкент давлат транспорт университети) орқали амалга ошириб келинди. Ўтган давр давомида Петербург давлат темир йўл университети, Москва пўлат ва қотишмалар институти, Узоқ Шарқ федерал университетларининг бакалаврият, муҳандислик, магистратура ва аспирантура дастурлари бўйича темир йўл йўналиши бўйича жами 41 нафар бакалавр, 105 нафар муҳандис, 36 нафар магистр таҳсил олиб қайтдилар, 45 нафар аспирант номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиб институт профессор-ўқитувчилари ва Жамият корхоналари ходимлари сафига қўшилдилар.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан 2020-2021 ўқув йили учун хориж олий таълим муассасаларида ёшларимизни ўқитишга оид ишлар амалга оширилди, натижада ўрнатилган тартибда танловдан ўтган ёшларимиз хориж олий таълим муассасалари қабул комиссияларининг тегишли қарорларига мувофиқ, ўқишга тавсия этилдилар.

Хусусан, Петербург давлат темир йўл университетига 9 нафар, шу жумладан 5 нафар – магистратура ва 4 нафар – аспирантура, Россия транспорт университети 15 нафар, шу жумладан 6 нафар – специалитет, 8 нафар – магистратура ва 1 – нафар аспирантура, Москва архитектура институти 7 нафар (бакалаврият), Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университетига

23 нафар, шу жумладан 20 нафар – бакалаврият ва 3 нафар – магистратура, Москва физика-техника институтига 1 нафар ((магистратура) МДТУ битирувчиси) ўқишга қабул қилинди.

Тошкент темир йўл техникуми хузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказида 2022 йил январь-декабрь ойларида малака оширганлар сони 2 042 нафарни ташкил этди, режа 87%га бажарилди.

Тошкент темир йўл техникуми хузуридаги Машинист ва машинист ёрдамчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув марказида 2022 йил январь-декабрь ойлари давомида 31 нафар ходим қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсини ўтадилар, режа 120%га бажарилди.

Кўшни республикалар билан имзоланган Ҳукуматлараро келишувлар доирасида Жамият тасарруфидаги техникумларда “Роҳи оҳани Тоҷикистон” давлат унитар корхонасининг (Тоҷикистон Республикаси) 16 нафар ходими “Локомотивларни бошқариш” касби бўйича ўқитилмоқда, “Қирғизистон темир йўллари” компанияси (Қирғизистон Республикаси) билан алоқалар йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6084-сон фармони билан “2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси”да белгиланган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида, 708 нафар (87%) Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида иш юритиш бўйича юқори, ўрта ва қуйи бўғин раҳбарлари ва ходимлар малакаси оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4359-сон қарорига мувофиқ:

2019/2020 ўқув йилида 97 нафар, 2020/2021 ўқув йилида 108 нафар, 2021/2022 ўқув йилида 94 нафар, 2022/2023 ўқув йилида 90 нафар ишчи-ходимлар сиртки таълим шаклига суҳбат натижаларига кўра тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида Жамият тасарруфидаги атропо-муҳитга таъсири жиҳатдан I-II тоифага мансуб корхоналарнинг атропо-муҳитга масъул 14 нафар ходим жалб этилди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Олий дипломатия мактабида “Бизнес протоколи ва этикети. Ишбилармонлик музокаралари” дастури бўйича 2 нафар мутахассиснинг иштироки таъминланди.

“Cert Academy Group” хусусий корхонасида “ISO 37001:2016 стандартига мувофиқ коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқиш” дастури бўйича 1 нафар раҳбар ходим ўқитилди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида “Ходимлар билан ишлашнинг ҳуқуқий масалалари ва Меҳнат Кодексидаги ўзгаришлар” дастури бўйича 10 нафар ходимлар бўлими мутахассислари малака ошириш курсига жалб этилди.

“Ўзбекистон – Халқаро молиявий-иқтисодий ривожланиш маркази” масъулияти чекланган жамиятида “Шартнома ва харидларни бошқариш” йўналиши бўйича 15 нафар ходим ўқитилди.

Банк-молия академиясида “Инвестициялар ва активларни бошқариш” мавзусида 3 нафар ходим семинарда иштирок этди.

2022 йилнинг шу даврига қадар, темир йўл транспорти соҳасида муносиб фаолият юритиб келаётган ходимлардан 5 нафари нуфузли давлат мукофотлари, 25 нафари “Фахрий темирйўлчи” кўкрак нишони, 220 нафари қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда 356 нафари турли саналар муносабати билан “Фахрий ёрлик” ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Жамият тасарруфидаги корхоналар касаба уюшмаларининг буюртмаларига мувофиқ, Санаторий-профилактик даволанишга муҳтожларни соғломлаштириш ва дам олишларини таъминлаш мақсадида ҳар йили 1500 тадан кам бўлмаган миқдорда санаторийларга йўлланмалар ажратилади.

Даволаниш ва дам олиш йўлланмаларини тақсимлаш ва тарқатишда ижтимоий адолатлилик тамойилларига риоя қилган ҳолда ошкоралик таъминланиб келинмоқда.

Ҳар йили болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 7000 та дан кам бўлмаган болаларни, шунингдек, тармоқ ходимлари фарзандларини соғломлаштириш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

“Меҳрибонлик” уйларида тарбияланаётган етим болаларни, шунингдек, Орол бўйи болаларини Республикамининг экологик жиҳатдан қулай регионларидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида соғломлаштиришга кўмаклашиб келинмоқда.

Касаба уюшма кўмитасининг сметасига мувофиқ темирйўлчилар ва уларнинг оила аъзолари орасида оммавий-маданий тадбирларни ташкил этилиб, ходимлар орасида жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ташкил этиш ҳамда йиллик режага кўра турли хилдаги спорт бўйича мусобақалар уюштириб, театр ва

музейларга ташриф, Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб экскурсия ва саёҳатлар ташкил этилиб, ўрнатилган тартибда ҳисоботлар тақдим этиб келинмоқда.

Иш вақтидан сўнг танланган кунларда (ҳафтада камида бир марта) тизимдаги меҳнат жамоаларида раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулоти (югуриш, футбол, бадминтон, воллейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланишлари ташкил этилган.

Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот

| № | ФИШ | Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври | Корхонадаги улуши |
|--|---|--|-------------------|
| I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор) | | | |
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги | | 100 фоиз |
| II. Кузатув кенгаши аъзолари | | | |
| 2. | Раматов Ачилбай Жуманиязович | Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари (2021 йилдан) | - |
| 3. | Маҳкамов Илҳом Рустамович | Транспорт вазири (2021 йилдан) | - |
| 4. | Хайдаров Аҳадбек Яхябекович | Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари (2021 йилдан) | - |
| 5. | Норкулов Илҳом Иброхимович | Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари (2021 йилдан) | - |
| 6. | Абидов Акмал Джурабекович | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси (2021 йилдан) | - |
| 7. | Астанов Зафар Муродиллаевич | Иқтисодиёт ва молия вазириги департамент директори (2021 йилдан) | - |
| III. Ижроия органи | | | |
| 8. | Хасилов Хуснутдин Нуриддинович | Бошқарув раиси в.б. (2021 йилдан) | - |
| 9. | Вакант | Бошқарув раисининг трансформация бўйича биринчи ўринбосари | |
| 10. | Вакант | Бошқарув раисининг молия бўйича биринчи ўринбосари | |
| 11. | Махаматов Зафар Эргашбоевич | Бош менеджер – бош муҳандис в.б. (2021 йилдан) | - |

| | | | |
|-----|---------------------------------|--|---|
| 12. | Камалов Акмал Сайдакбарович | Бошқарув раисининг логистика ва ташишлар бўйича ўринбосари в.б. (2021 йилдан) | - |
| 13. | Раджапов Мансур Кўчкарлович | Бошқарув раисининг темир йўл инфратузилмаси объектларини таъмирлаш ва қуриш бўйича ўринбосари в.б. (2021 йилдан) | - |
| 14. | Вакант | Бошқарув раисининг рақамлаштириш бўйича ўринбосари | |
| 15. | Юсупов Жамолбек Зокир ўғли | Бошқарув раисининг ходимларни бошқариш бўйича ўринбосари в.б. (2023 йилдан) | - |
| 16. | Омонов Хайитбай Ахмадалиевич | Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари в.б. (2021 йилдан) | |

1.6. Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи

Халқаро темир йўл ташкилотлари давлатларнинг темир йўл маъмуриятларининг ўзаро алоқалари ва ҳамкорлигини таъминлашда, йўловчилар ва юклар ташувида келишилган шарт-шароитларни ишлаб чиқишда, ҳаракат таркиби ва контейнерлардан фойдаланиш, халқаро қатновда ташув ишларини амалга ошириш, техникавий сиёсатни олиб бориш ҳамда иш тажрибасини алмашишда муҳим роль ўйнайди. “ЎТЙ” АЖ бир нечта халқаро темир йўл ташкилотларига аъзо ҳисобланади.

ОСЖД – Софияда (Болгария Республикаси) 1956 йил 28 июнда вазирлар мажлисида тузилган халқаро ташкилот. 29 та мамлакатнинг темир йўл транспорти ОСЖДга аъзо ҳисобланади. “ЎТЙ” АЖ 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб Темир йўллар ҳамкорлик ташкилотининг аъзоси ҳисобланади.

Халқаро шартнома тусига эга ОСЖД тўғрисидаги Низом ОСЖДнинг мавжудлиги ва фаолиятига асос ҳисобланади. ОСЖД тўғрисидаги Низомга мувофиқ ОСЖД ишида иштирок этишнинг бошқа шакллари ҳам мавжуд, жумладан, вазирлик ёки темир йўллар учун кузатувчи сифатида ҳамда бевосита темир йўллар фаолияти билан боғлиқ фирма ва ташкилотлар учун қўшилган корхона сифатида.

ОСЖД тўғрисидаги Низомда фаолиятнинг қуйидаги йўналишлари белгиланган:

- халқаро, даставвал Европа ва Осиё ўртасидаги қатновда, жумладан, комбинацияланган ташувда халқаро темир йўл ташувларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- халқаро темир йўл ташувлари соҳасида келишилган транспорт сиёсатини шакллантириш, темир йўл транспортини фаолият стратегиясини ва ОСЖД фаолиятининг стратегиясини шакллантириш;

- халқаро транспорт ҳуқуқини (МТП) такомиллаштириш, Халқаро йўловчи қатнови тўғрисидаги Келишув (СМПС), Халқаро темир йўл юк ташувлари тўғрисидаги келишув (СМГС) ҳамда халқаро темир йўл ташувлари билан боғлиқ бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича иш олиб бориш;

- темир йўл транспортининг иқтисодий, ахборот, илмий-техникавий ва экологик жиҳатлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳамкорлик қилиш;

- транспорт бошқа турларига нисбатан темир йўл транспортининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш;

- темир йўллардан фойдаланиш ҳамда халқаро темир йўл ташувларини янада ривожлантириш билан боғлиқ бошқа техникавий масалаларда ҳамкорлик қилиш;

- темир йўл транспорт масалалари, жумладан, комбинацияланган ташувлар билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик.

“ЎТЙ” АЖ аъзо ҳисобланган бошқа бир халқаро темир йўл ташкилоти Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгашидир.

Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши ва унинг ижроия органи Кенгаш Дирекцияси Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўртасида барқарор иқтисодий алоқаларни таъминлаш мақсадида МДХ иштирокчи давлатлар ҳукуматларининг бошлиқлари келишуви билан 1992 йилнинг 14 февralида тузилган эди. Кенгашнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- давлатлараро даражада темир йўл транспорти ишини мувофиқлаштириш ҳамда уни фаолиятининг келишилган тамойилларини ишлаб чиқиш;

- юк вагонлари ва контейнерларини биргаликда эксплуатация қилинишини ташкиллаштириш.

Кенгаш темир йўлларнинг эксплуатация фаолияти, юк вагонлари ва контейнерлардан биргаликда фойдаланиш ва уларни техник сақлаш, йўловчи ва юкларни ташиш шарт-шароитлари, халқаро қатновда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, бажарилган ишлар учун ҳисоб ва ўзаро ҳисоб-китоб тизимини ишлаб чиқиш, илмий-техникавий ҳамкорлик масалалари ва бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қилади.

Темир йўл транспорти бўйича Кенгаш темир йўлларнинг технологик яхлитлигини таъминлашга биринчи даражали эътибор қаратади. Ҳар йили халқаро қатновда поездлар ҳаракати жадвали ва уларни тузиш режасини ишлаб чиқиш амалга оширилади. Юк вагонларининг техникавий ҳолатига катта эътибор қаратилади.

Умумий ахборот майдонини сақлаб қолиш ва ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Темир йўл маъмуриятларининг Ахборот-ҳисоблаш маркази тузилиб, муваффақиятли фаолият юритмоқда.

2011 йилнинг 18 октябрида Санкт-Петербург шаҳрида МДХ ҳукумат раҳбарлари кенгашида “Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспортини 2020 йилга қадар стратегик ривожлантириш Концепцияси” тасдиқланди. Концепцияни амалга ошириш Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспортини тизимли ва келишилган тарзда ривожлантиришга имкон бериб, темир йўлларни Евроосиё транспорт тизимига уйғун бирлашувига кўмаклашади.

МДХга аъзо давлатлар темир йўл маъмуриятларининг раҳбарлари Кенгашга аъзо ҳисобланади. Бундан ташқари, кенгаш ишида Болгария, Грузия, Латвия, Литва, Финляндия, Эрон ва Эстониянинг темир йўл маъмуриятлари раҳбарлари иштирок этади.

Йўлаклар

Халқаро транспорт йўлаклари деганда, турли мамлакатларни ўзаро боғловчи ҳамда юк ва йўловчиларни энг зич йўналишларда халқаро қатновда ташувини таъминлаб берадиган, одатда, транспортнинг ҳар хил турларининг энг техникавий жиҳозланган магистрал транспорт коммуникациялари жамламаси тушунилади.

Европа ва Осиёнинг 18 та давлатини бирлаштирувчи 13 та халқаро транспорт йўлаклари Ғарбий Европа мамлакатларига Шарқий Европа давлатлари, Россия, Қозоғистон темир йўл тармоқлари орқали Хитой ва Осиёнинг бошқа мамлакатларига чиқишини таъминлаб беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан Темир йўллар ҳамкорлик ташкилоти (ОСЖД) халқаро йўлаклари рўйхатига мувофиқ учта (№1, №8, №10) йўлак ўтади.

Транспорт йўлаклари – бу, аввало, ташувлар бозори бўлиб, унда “ЎТЙ” АЖ ҳам бошқа давлатларнинг темир йўллари, ҳам транспорт бошқа турлари томонидан қаттиқ рақобатга учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро темир йўл транспорт йўлакларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий мақсадлари миллий транспорт коммуникацияларига халқаро транспорт оқимларини жалб қилиш, мамлакат ичидаги транспорт қатновини яхшилаш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳисобланади.

Қўйилган мақсадларга етиш иқтисодиётнинг темир йўл транспорти хизматларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ ва самаралироқ қондириш, шунингдек, транзит салоҳиятни кенгайтириш, дунёнинг товар ва юк бозорларида

Ўзбек товар ишлаб чиқарувчилари ва транспорт-экспедиторлик корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон 2021 йил 14 апрель куни видеоанжуман шаклида учрашув ўтказдилар. Ушбу видеоанжуманда томонлар ўзаро транспорт ва транзит соҳасидаги устувор лойиҳаларни илгари суриш, товар айирбошлашни кўпайтириш ва ишлаб чиқариш кооперациясини кучайтириш учун қулай шароитларни яратиш учун қўшимча чоралар кўриш, жумладан, имтиёзли савдо тўғрисида битим ва иқтисодийнинг асосий тармоқларида ҳамкорлик бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилиш, қўшма ишбилармонлик форумларини ўтказиш юзасидан келишувларга эришилди.

Покистоннинг “Карачи”, “Қасим” ва “Гвадар” денгиз портларига чиқишни таъминлайдиган янги трансфғон темир йўли Жанубий Осиё темир йўл тизимини Марказий Осиё ва Евроосиё темир йўл тизимлари билан боғлайди ҳамда Марказий Осиёнинг транзит салоҳиятини кескин оширишга, катта миқдордаги юк оқимларини жалб қилишга, шунингдек, Европа ва Осиёни энг қисқа қуруқлик йўли билан боғлайдиган кўприк сифатида минтақанинг тарихий ролини тиклашга ёрдам беради.

Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, Покистондан Ўзбекистонга юк ташиш учун 30-35 кун эмас, атиги 5-10 кун вақт кетади. Ўз навбатида, йўналиш масофасини қисқартириш юк ташиш харажатларини камайтиришни аниқлатади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, маршрутни амалга ошириш 20 футлик контейнерни ташиш нархини деярли 3 баробарга камайтиради.

Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Шовот-Гурлан-Амударё темир йўл линиясини янгидан қуриш бўйича кўрсатма берган эди. Кейинчалик 2021 йил 22 апрель куни Гурлан туманида ушбу темир йўл линияси қурилишига тамал тоши қўйилди.

Гурлан тумани, Шоликор, Олға, Бирлашган, Дўсимбий қишлоқлари ҳудудидан ўтувчи Шовот-Гурлан-Амударё темир йўл линиясининг узунлиги 25 км ни ташкил қилади. У Хоразм вилоятини Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани билан боғлайди.

1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими

ISO халқаро стандарти.

Маҳсулот ва хизматлар сифатини истеъмолчилар талабига жавоб берадиган даражада ушлаб туриш ва корхоналарнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш мақсадида жамият раҳбарияти тарафидан ISO 9001:2015 халқаро стандартларига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирга келиб “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 20 та корхонасида сифат менежменти тизими юқорида кўрсатилган стандарт талабларига мувофиқ жорий қилинган ва ишламоқда.

Чиқарилаётган маҳсулотнинг хавфсизлиги, сифати ва рақобатбардошлигини янада ошириш, техникавий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш ҳамда мувофиқликни баҳолаш бўйича ишларни халқаро тан олиншини таъминлаш, шунингдек, замонавий менежмент тизимларини жорий қилишни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2015 йилнинг 19 октябрида “2020 йилгача бўлган даврда сифатнинг миллий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 298-сон қарор қабул қилинди.

Ушбу Қарорни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 5 декабрдаги 97-а-сонли президиум мажлисининг баённомаси ижроси бўйича “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раиси ва “Ўзстандарт” агентлиги бош директори А.К. Курбанов томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ корхоналарида ISO 9001:2015 халқаро стандартларига мувофиқ сифат менежменти тизимини жорий қилишнинг тармоқ жадвали ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Юқорида қайд этиб ўтилган тармоқ жадвалига кўра, “Соғдиана транс” ШКда, UzXCMG МЧЖ ҚК ва СМП-406да халқаро ISO 9001:2015 стандартига мувофиқ сифат менежменти тизими жорий қилинган ҳамда миллий ва халқаро сертификатлар олинган.

Халқаро ISO 9001:2015 стандартига мувофиқ сифат менежменти тизимини Олтиариқ ППС да жорий қилиш бошланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ сифат менежменти тизимининг келгусида ишлаши бўйича тасдиқланган Ҳаракатлар режасига мувофиқ Қайта сертификатлаштириш аудити муваффақиятли ўтказилди, компания сифат менежменти тизими раҳбарияти томонидан таҳлил бўйича йиғилиш баённомаси қарорларининг бажарилиши кузатилди ва хужжатлаштирилган маълумотлар янгиланди, сўров орқали мижозларнинг қониқиш даражаси “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ хизматлари истеъмолчилари орасида баҳоланди.

II. Корхонани ислоҳ қилиш

2.1 Истиқболли ривожланиш, стратегия

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2022 йил 28 мартда тасдиқланган 55-сонли баёни ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан Германиянинг “DB Engineering & Consulting GmbH” консалтинг компаниясининг мутахассислари билан биргаликда жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатли 2030 йилгача ривожланиш стратегиялари ҳамда молиявий барқарорлигини ва операцион самарадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Стратегия қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:

- темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва темир йўл транспорти ҳаракатдаги таркибларини янгилаш, моддий ва номоддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш дастурининг муҳим омилларидан бўлган тезюрар поездлар ҳаракатини йўлга қўйиш;
- транспортнинг яхлитлигини, мустақиллигини, ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминлаш ва фуқароларнинг транспортга бўлган эҳтиёжларини қондириш сифатли, қулай ва барқарор транспорт тизимини шакллантириш;
- темир йўл транспортини халқаро транспорт йўлаклари тизимига қўшилиши асосида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг транзит салоҳиятини ошириш;
- умумий транспорт харажатларини камайтириш, шу жумладан, темир йўл транспорти фаолияти орқали самарадорлигини ошириш;
- ташиш сифати ва хавфсизлик даражасини темир йўл транспортининг техник ва технологик ривожланиши асосида аҳоли ва иқтисодиёт талабларига ҳамда жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш;
- темир йўл транспортининг инвестициявий жозибadorлигини ошириш;
- замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш.

Ҳозирги кунда ривожланиш стратегиясини жамиятнинг Ягона акциядори томонидан тасдиқлаштириш режалаштирилган.

Шунингдек, Жаҳон банки мутахассислари иштирокида Ўзбекистон темир йўл секторини трансформация қилиш бўйича Стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлиги Кенгашининг 2022 йил 28 сентябрь куни ўтказилган “Транспорт соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги йиғилишининг 1-сонли баёнининг I-бандига асосан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан баёнда берилган топшириқларни бажарилишини кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислохотлар агентлигига киритилди.

2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари.

Стратегиянинг асосий устувор мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш;
- ҳаракатланувчи таркиб паркинни янгилаш;
- соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш;
- ҳаракатланувчи таркибдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- халқаро транспорт коридорларга интеграция самарасини ошириш;
- темир йўл хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш;
- рақамлаштириш даражасини ошириш;
- тариф сиёсатини такомиллаштириш;
- кадрлар ва ижтимоий соҳани ривожлантириш.

2.3 Ислоҳ қилишнинг 2023 йил учун режаси.

Стратегиянинг 2023 йил учун асосий режасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш белгиланган:


- темир йўл транспорти хизматлари бозорида рақобатни ривожлантиришга қаратилган шаффоф ва мослашувчан тариф тизимини яратиш йўли билан тариф сиёсатини такомиллаштириш;
- рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат йўналишида лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш;
- темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш;
- темир йўл участкаларини электрлаштириш даражасини ошириш;
- йўловчи ташишларни ривожлантириш;
- темир йўлнинг ҳаракатланадиган таркибини янгилаш;
- соҳада операцион самарадорликни ошириш;
- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш;
- соҳанинг кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.

Ш. Бозор ва маркетинг режаси


3.1. Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари таркиби

| № | Ташиш йўналишлари | | |
|----|---|--|--|
| | Маҳаллий | Экспорт | Импорт |
| 1 | “Бекободцемент” АЖ | “Олмалик ғиштчиси” МЧЖ | “Ангрен шакар” МЧЖ |
| 2 | “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ | “Асм Альянс” МЧЖ | “Тошкент труба заводи” МЧЖ |
| 3 | “Ўзбеккўмир” АЖ | “Ўзавтомоторс” АЖ | “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ |
| 4 | “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ | “Навоий миллинг” МЧЖ | “Хоразм шакар” МЧЖ |
| 5 | “Қизилқумцемент” АЖ | “Хоразм шакар” МЧЖ | “Осиё металл профил” МЧЖ |
| 6 | “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ | “Индората Қўкон Фертилизерс енд Чемикалс” АЖ | “Сирдарё кўмир инбест” МЧЖ |
| 7 | “Саноат энергетика гуруҳи” Хорижий МЧЖ | “Сулпро” МЧЖ | “Ўзавтомоторс” АЖ |
| 8 | “Навоий-Азот” АЖ | “Радиус-РГР” МЧЖ | “Милл макс групп” МЧЖ |
| 9 | “Аммофос-Максам” АЖ | “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ | “Ўзметкомбинат” АЖ |
| 10 | “Фир Констракшен” МЧЖ | “Қизилқумцемент” АЖ | “Турон компания” МЧЖ |
| 11 | China Road and Bridge Corporation | “Ўзкимёимпекс” МЧЖ | “Дурабл бетон” МЧЖ |
| 12 | “Ўзметкомбинат” АЖ | | “Тошкент металлургия заводи” МЧЖ |
| 13 | Ўзбекнефтегаз “Шўртан” АЖ | | “Бешефар бизнес” МЧЖ |
| 14 | “Олмалик кон металлургия комбинати” АЖ | | |
| 15 | “Дехқонобод калий заводи” АЖ | | |
| 16 | “Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ | | |
| 17 | “Қувасой кварц” АЖ | | |
| 18 | “Тошкентдонмаҳсулотлари” АЖ | | |
| 19 | “Ўзавтомоторс” АЖ | | |

2022 йил маҳаллий йўналишда юк ташиш



2022 йил экспорт йўналишда юк ташиш



3.2. Рақобат

Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда, темир йўлларда ташиш фаолияти давлат томонидан тартибга солинади.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизматлар монопол эмас, ушбу хизматлар бошқа субъектлар томонидан амалга оширилиши бўйича чекловлар ўрнатадиган норматив ҳужжатлар қабул қилинмаган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасида темир йўлларда қўшимча хизматлар кўрсатадиган бир қатор хусусий корхоналар рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига мувофиқ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖга темир йўл транспорти хизматлари бозорига хусусий секторни жалб қилиш орқали рақобатчиликни ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ва операцион самарадорликни ошириш вазифаси юклатилган. Шу мақсадларда “DB Engineering Consulting & GmbH” (“ДБ Инжиниринг энд Консалтинг ГмбХ”), “Boston Consulting Group” (“Бостон консалтинг групп”) каби халқаро консультантлар билан катта ҳажмдаги ишлар олиб борилди ва ҳозирда давом этмоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда Жаҳон банки Гуруҳи консультантлари жалб қилиниб, улар томонидан Ўзбекистон темир йўл транспорти секторини ислоҳ қилиш стратегияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу олиб борилган ишлар давомида темир йўл хизматларини ривожлантириш ва хусусий секторни жалб қилиш бўйича асосий таклифлар шакллантирилди. Ҳозирда темир йўл транспортида ўз вагонлар паркига эга юк ташиш учун вагонларни тақдим этиш хизматларини кўрсатувчи хусусий операторлар мавжуд.

Шу билан бирга ўрганишлар натижасида хусусий операторларнинг темир йўл транспорти хизматлари бозорида улушини оширишга тўсқинлик қилаётган бир неча омиллар борлиги аниқланди. Бу масала борасида жалб қилинган консультантлар томонидан Транспорт вазирлиги ва бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг тегишли норматив-ҳуқуқий базаси ўрганилди ва алоҳида норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрланди. Булардан бири – Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонунидир. Ўзгартиришлар киритилиши транспорт хизматлари бозорига хусусий операторларни янада кенг жалб қилиш учун қўшимча шароит ва қулайликлар яратади.

3.3. Маркетинг режаси

Темир йўлларда ташиш хизматларининг нархлари давлат томонидан тартибга солинади ва табиий монополия субъектларининг давлат реестрига киритилган. Ички қатновда темир йўл транспортида юк ва йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сонли қарорига мувофиқ давлат томонидан тартибга солинади.

Маҳаллий йўналишларда юкларни ташиш тарифлари Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлиги билан келишилган ҳолда Прейскурант 10-01 асосида, халқаро йўналишларда юкларни ташиш тарифлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчилари тариф сиёсати (ТП СНГ), Халқаро транзит тарифи (МТТ), Ягона транзит тарифи (ЕТТ) асосида ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Ташув хизматларидан фойдаланиш учун тўловлар жамият даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юкларни халқаро (экспорт, импорт, транзит) қатновида ташишда ва муассасалараро халқаро шартнома тусига эга Халқаро қатновда юклар ташишда Ўзбекистон Республикаси темир йўллари Тариф сиёсатининг ставкалари (ТП УТЙ) асосида ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб юкларни ташишда ташиш тарифлари қуйидаги омиллар асосида ҳисобланади: юк тури, ташиш йўналиши яъни юк жўнатувчи ва юк қабул қилувчи станцияси, вагон тури, юк вазни ва ташиш муддати.

Йўловчи ташиш тарифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПФ-5177-сон Фармониға мувофиқ, товар, иш ва хизматлар муайян нарх ва тарифлар миллий валютада ҳисоб-китоб қилинади. Йўловчи ташувларининг (бир тарафға) солиштирма нархлари 7-жадвалда келтирилган.

8 жадвал – Темир йўл ва бошқа транспортлардаги ташишларнинг чипта нархлари, сўм

| № т/р | Йўналишлар | Масофаси | Вагон тури | Темир йўл транспорти тарифлари | Авиа тарифлар | Автобус ўргача тарифлари | Авиация билан фарқлар, +/- |
|--------------------------------------|-------------------|----------|------------|--------------------------------|---------------|--------------------------|----------------------------|
| Тезюрар йўловчи поездлар | | | | | | | |
| 1. | Тошкент-Қарши | 500 км | БИЗНЕС | 143 140 | - | 78 000 | |
| | | | ЭКОНОМ | 104 000 | 178 147 | | 74 147 |
| 2. | Тошкент-Бухоро | 586 км | ВИП | 278 190 | - | 89 000 | |
| | | | БИЗНЕС | 158 060 | - | | |
| | | | ЭКОНОМ | 113 370 | 256 086 | | 142 716 |
| 3. | Тошкент-Самарқанд | 343км | ВИП(1В) | 203 110 | - | 51 000 | |
| | | | БИЗНЕС(1С) | 120 730 | - | | |
| | | | ЭКОНОМ(2В) | 89 590 | 178 147 | | 88 557 |
| 4. | Тошкент-Андижон | 423 км | ВИП | 233 230 | - | - | |
| | | | БИЗНЕС | 135 570 | - | | |
| | | | ЭКОНОМ | 99 180 | 133 610 | | 34 430 |
| Оддий йўловчи поездлар | | | | | | | |
| 5. | Тошкент-Нукус | 1 275км | СВ | 448 570 | - | 200 000 | |
| | | | КУПЕ | 251 850 | - | | |
| | | | ПЛАЦКАРТ | 181 650 | 478 770 | | 297 120 |
| 6. | Тошкент-Самарқанд | 337км | СВ | 219 020 | - | 51 000 | |
| | | | КУПЕ | 137 750 | - | | |
| | | | ПЛАЦКАРТ | 108 920 | 133 610 | | 24 690 |
| 7. | Тошкент-Хива | 1003 км | СВ | 420 540 | - | 153 000 | |
| | | | КУПЕ | 238 240 | - | | |
| | | | ПЛАЦКАРТ | 173 180 | 478 770 | | 305 590 |
| 8. | Тошкент-Термиз | 819 км | СВ | 273 960 | - | 117 000 | |
| | | | КУПЕ | 210 350 | - | | |
| | | | ПЛАЦКАРТ | 155 290 | 411 965 | | 256 675 |
| 9. | Тошкент-Бухоро | 586 км | СВ | 288 550 | - | 89 000 | |
| | | | КУПЕ | 172 320 | - | | |
| | | | ПЛАЦКАРТ | 130 940 | 211 549 | | 80 609 |
| Юкори тезлик электропоездлари | | | | | | | |
| 1. | Тошкент-Самарқанд | 343км | ВИП | 204 000 | - | 51 000 | - |
| | | | БИЗНЕС | 142 000 | 534 441 | | 392 441 |
| | | | ЭКОНОМ | 105 000 | 178 147 | | 73 147 |
| 2. | Тошкент-Қарши | 500 км | ВИП | 282 000 | - | 78 000 | - |
| | | | БИЗНЕС | 200 000 | 757 125 | | 557 125 |
| | | | ЭКОНОМ | 146 000 | 178 147 | | 32 147 |
| 3. | Тошкент-Бухоро | 586 км | ВИП | 328 000 | - | 89 000 | - |
| | | | БИЗНЕС | 238 000 | 957 541 | | 719 541 |

| | | | | | | | |
|--|--|--|--------|---------|---------|--|--------|
| | | | ЭКОНОМ | 173 000 | 256 086 | | 83 086 |
|--|--|--|--------|---------|---------|--|--------|

Юк ташувларининг маркетинг стратегияси

“ЎТЙ” АЖнинг 2022 йилга мўлжалланган маркетинг стратегияси қуйидаги йўналишлар бўйича белгиланган:

- ихтисослаштирилган халқаро транспорт терминаллари яратиш, мақбул тариф сиёсатини қўллаш йўли билан Ўзбекистон Республикаси темир йўлларига транзит юклар оқимини жалб қилиш. Юкларни экспорт, импорт ва транзит ташувлари бўйича тизимли таҳлил юритиш;

- республикада Навоий шаҳридаги аэропорт базасида тузилган халқаро интермодал логистика маркази ва эркин индустриал иқтисодий зона (СИЭЗ) фаолияти билан боғлиқ темир йўл ташувларини ривожлантириш бўйича ишлаш;

- мўлжалланаётган транспорт хизматлари тўғрисида ахборот воситаси, темир йўл маркетинг коммуникация сиёсатининг таркибий қисми сифатида транспортда реклама. Транспортнинг барча турлари ўртасида рақобат шарт-шароитида транспортда фаол реклама фаолиятини юртиш зарурлиги шубҳасиз. Транспорт хизматларининг янги турлари, юк эгалари ва юқори тезликдаги ҳаракат йўловчиларига фирмали хизмат кўрсатиш, транзит транспорт йўлаклари, айрим фойдаланувчилар учун имтиёз ва чегирмалар, юкларни “эшикдан эшиккача” етказиб бериш, қулай шаҳар атрофида қатновчи электропоездлар, вокзаллар ва поездлардаги сервис хизматлари ва ш.к. саводли, тез англанадиган ва ўзига хос рекламани талаб қилади;

- юк ташувлари маркетинги масалалари бўйича халқаро тажрибани амалиётда қўллаш, шунингдек, Trans Uzbekistan, Trans Kazakhstan, Trans Russia ва бошқа халқаро кўргазмаларида иштирок этиш;

- рақобатни ривожлантириш, тадбиркорлик объектларини айрим хизматларни амалга оширишга етишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. Бунда жамият Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 декабрдаги “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига киритилган ўзгартиришларга таянади, бунда темир йўл соҳасида табиий монополиялар субъектларининг фаолиятини давлат тарафидан тартибга солиниши темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланишни ҳисобга олиб белгиланиши назарда тутилган.

- вагонларни юклаш ва тушириш муддатларини қисқартириш, маршрутли жўнатмалар механизмини жорий қилиш.

Йўловчи ташувларининг маркетинг стратегияси

Йўловчи ташувларининг маркетинги аҳолининг транспорт эҳтиёжларини тўла ва самарали қондиришга қаратилган бошқарув тизимидан иборат, яъни:

- йўловчи айланмасини ошириш учун тўғридан-тўғри аралаш ва ички йўналишдаги йўловчи поездларга ташув ҳужжатларини сотиш технологиясини тартибга солиш;

- Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнес тадбиркорларининг талабини қондириш учун багаж ташувларини ривожлантириш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлари билан багаж вагонларини ижарасига шартномалар тузиш;

- йўловчиларга йўлда кетиш чоғида ва вокзалларда кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш ва кенгайтириш. Қарши, Термиз, Жиззах, Урганч, Гулистон вокзалларида қулайлиги оширилган залларда сервис хизматларини кенгайтириш;

- поездларда йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг сифати ва маданиятини, жумладан, қулайликни таъминланишини ошириш. Йўловчи ташувларининг рақобатбардошлигини, йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг сифати ва маданиятини ошириш мақсадида 2022 йилда 30 та янги йўловчи вағони сотиб олинади;

- Жамият халқаро ташувлар учун “Эспресс-3” автоматлаштирилган бошқарув тизими орқали халқаро йўналишлар йўл ҳужжатларини сотишни жорий қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси аҳолиси, норезидентлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг маданий мероси ва тарихий ёдгорликлари билан танишишни истовчи туристларнинг эҳтиёжларини маркетинг тадқиқ этиш натижаларига мувофиқ туристик ташувларни ривожлантириш. Шу муносабат билан темир йўлларда туристларни ташувини ривожлантириш бўйича 2021 йилгача мўлжалланган чора-тадбирларнинг комплекс режаси ишлаб чиқилган. Ушбу режа қуйидагиларни назарда тутди:

туристларга қулайроқ ва сифатлироқ хизматларни тақдим қилган ҳолда темир йўлларда тезюрар ва юқори тезликда ҳаракатланувчи йўловчи поездларни ташкил қилиш;

“ЎТЙ” АЖда шакллантириладиган махсус (буюртма бўйича) халқаро ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чартер туристик поездларни ташкил қилиш;

қуйидаги йўналишлар: Тошкент – Самарқанд – Қарши – Бухоро - Хива, Тошкент – Қўқон – Самарқанд – Бухоро - Хива, Тошкент – Бишкек - Балиқчи йўналишлари бўйича туристик-экскурсия поездлари ҳаракатини ташкил қилиш;

темир йўлларда туристлар учун қўшимча қулайликлар яратиш, маълумот марказлари, банкоматлар, савдо шахобчалари ва бошқа хизматлар.

IV. SWOT-таҳлили

9 жадвал – Маҳаллий темир йўл тармоғи.

| Кучли тарафлар | Кучсиз тарафлар |
|--|---|
| <p>1. Тизимдаги заҳира қувватлари.</p> <p>2. Тармоқнинг кенг қамрови.</p> <p>3. Таҷрибали раҳбарият.</p> | <p>Марказий Осиё темир йўлларининг парчаланиши ва янги йўналишларнинг рақобатли ривожланиши оқибатида энергиянинг йўқотилиши.</p> |
| Имкониятлар | Таҳдидлар |
| <p>Минтақада янги йўлларга инвестициялар ҳисобига ишлаш самарадорлигининг ортиши.</p> | <p>Асосий импорт материаллар ва эҳтиёт қисмларга нархларнинг кескин ошиши.</p> |

10 жадвал – Халқаро темир йўл ташувлари.

| Кучли тарафлар | Кучсиз тарафлар |
|---|--|
| <p>1. МДХ мамлакатларининг кенг темир йўл тармоғидан фойдаланиш.</p> <p>2. Йўлаклар тармоғи Ўзбекистон ҳудудида бирлашмоқда, шу билан чегараларни кечиб ўтишда харажат ва кечикишлар камаймоқда.</p> <p>3. Ички темир йўл ташувлари инфратузилмасини такомиллашуви халқаро йўлакларга қулай таъсир кўрсатади.</p> | <p>1. МДХ мамлакатларининг темир йўл тармоғи собиқ СССР эҳтиёжларига хизмат кўрсатишга мўлжаллаб лойиҳаланган, бу эса мустақилликдан кейин муаммоларни юзага чиқарди.</p> <p>2. Қўшни мамлакатларда инфратузилма ва чекловларга боғлиқ муаммолар.</p> <p>3. Муҳим бозорларга етиш учун из оралиғини ўзгартириш зарурати.</p> |
| Имкониятлар | Таҳдидлар |
| <p>1. Ангрэн-Поп йўналиши халқаро транзит юк ташувларини жалб қилиши керак.</p> <p>2. Қирғизистон орқали Хитой билан алоқа транзит/ халқаро ташувларини юзага келтиради.</p> | <p>1. Қўшни мамлакатларнинг тармоғида инфратузилманинг ейилиши тезликни янада чекланишига олиб келади.</p> <p>2. Лойиҳа нархининг қимматлиги туфайли Қирғизистон орқали Хитойга борадиган темир йўл қурилиши учун молиялашнинг йўқлиги.</p> |

11 жадвал – Ички темир йўл ташувлари

| Кучли тарафлар | Кучсиз тарафлар |
|---|--|
| <p>1. Янги ташувлар учун резерв қувватлар.</p> <p>2. Йирик юк жўнатувчи ва юк олувчилар билан яхши алоқалар.</p> | <p>1. Ички юк ташувларга тарифлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги иштирокида шакллантирилади.</p> <p>2. Вагон хўжалиги модернизациялашга муҳтож.</p> |
| Имкониятлар | Таҳдидлар |
| <p>1. Транзит ташувларни ривожлантириш учун қулай жойлашув.</p> <p>2. Минтақада янги линияларни қуришга йирик капитал қўйилмалари темир йўл юк ташувлари бозорини кенгайтиради.</p> | <p>1. Автомобилда юк ташувлари томонидан ички рақобатнинг кучайиши.</p> <p>2. Автомобил йўлларини реконструкциялаш дастури автомобил транспорти фаолиятини яхшилади.</p> <p>3. Маҳаллий автотранспорт компанияларининг ривожланиши ва автотранспорт воситалара паркини янгиланиши рақобатнинг кучайтиради.</p> |

12 жадвал – Темир йўлда йўловчи ташувлари

| Кучли тарафлар | Кучсиз тарафлар |
|---|---|
| <p>1. Янги хизматлар учун муайян резерв кувватлар.</p> <p>2. Республика ҳудудларини яхши камраб олингани.</p> | <p>1. Ички йўловчи ташувларга тарифлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги иштирокида шакллантирилади.</p> <p>2. Вагон хўжалиги модернизациялашга мухтож.</p> <p>3. Маркетинг тадқиқотларининг чекланган концентрацияси.</p> |
| Имкониятлар | Таҳдидлар |
| <p>Туристик ташкилотлар билан шартномалар тузилиши.</p> | <p>1. Хусусий автотранспорт/ҳаво ташувлари хизматлари фойдасига йўловчилар оқимининг йўқотилиши.</p> <p>2. Автомобил йўллари ва ҳаракат таркиби паркини реконструкциялаш дастури шаҳарлараро автобус ташувларини амалга оширилишини яхшилайд.</p> |

13-жадвал – Темир йўлда халқаро юк ташувлари

| Кучли тарафлар | Кучсиз тарафлар |
|--|---|
| <p>1. Бугун МДХ ҳудудида кенг темир йўл тармоғидан фойдаланиш.</p> <p>2. Олис масофаларга, айниқса, паст нархли юкларни ташиганда юқори рақобатбардошлик.</p> <p>3. Исталган пайтда юкларни жойлашувини аниқлаш учун вагонларни кузатиб бориш тизими.</p> <p>4. “ЎТЙ” АЖ тажрибали оператор ҳисобланади.</p> | <p>1. Қўшимча қийматли ташувларда хизмат кўрсатишнинг қониқарсиз даражаси.</p> <p>2. Хизмат кўрсатиш даражалари асосан бошқа мамлакатлардаги темир йўллар фаолиятига боғлиқ.</p> |
| Имкониятлар | Таҳдидлар |
| <p>1. Хитой ва Шарқий Осиё билан савдо алоқаларининг ортиши темир йўл транспортига қулайлик яратади.</p> <p>2. Экспорт/транзит бозори сифатида Афғонистондаги потенциал ўсиш.</p> <p>3. Қўшимча қийматли ташувларга хизмат кўрсатиш учун интермодал хизматлар салоҳияти.</p> | <p>1. Хом-ашё ҳисобига юқори тариф бўйича амалга ошириладиган ташувларнинг ортиши.</p> <p>2. Ташувнинг нисбатан олис ва ишончсиз вақтига олиб келувчи МДХ темир йўл тизимига инвестициялар мавжуд эмаслиги.</p> |

| Кучли тарафлар | Кучсиз тарафлар |
|--|---|
| <p>1. Асосий маршрутларда автомобил транспортига нисбатан пастроқ транспорт харажатлари.</p> <p>2. Маршрут поездлари жорий этилган тақдирда ташувнинг қиёсий вақти.</p> <p>3. Кенгайиш учун йирик потенциал.</p> <p>4. Чегара автомобил ўтиш жойларида юкламани пасайтиради.</p> | <p>1. Хизмат кўрсатиш ва ишончлилик билан боғлиқ муаммолар, қиймат асосий масала бўлмаган ҳолатларда интермодал транспортни автомобил транспортига нисбатан жозибалигини пасайтиради.</p> <p>2. Кўпчилик муаммолар ташқи, демакки, ҳал қилиниши қийин.</p> <p>3. Мамлакатни кечиб ўтувчи ва бирлаштирилган коносаментлардан фойдаланилмаслиги.</p> <p>4. Транспорт-экспедиторлик соҳасининг яккамодал туси.</p> |
| Имкониятлар | Таҳдидлар |
| <p>1. Умумий транспорт харажатларини камайтирган ҳолда эшикдан-эшиккача хизматларни ривожлантирилиши.</p> <p>2. Экспорт товарларининг ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларига молиявий имтиёзлар.</p> | <p>1. Кемачилик жамиятлари, экспедиторлар ва темир йўллар концепцияни қўллаб-қувватлашмайди.</p> <p>2. Ҳаётийликни таъминлаш учун зарур вазнга эга бўлмаган объектларнинг ўта кўплиги.</p> |

V. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

Электр таъминоти бошқармасининг асосий вазифаси поездлар тортувини, сигнализация, марказлаштириш ва блокировка қурилмаларини, шунингдек, ташув жараёни истеъмолчиларни ва транспорт инфратузилмасини узлуксиз электр таъминоти билан таъминлашдан иборатдир. Электр таъминоти тизимига тортув ва трансформатор подстанциялари, контакт тармоғи, автоблокировка таъминот пунктлари, юқори кучланишли ва паст кучланишли кабел ва ҳаво электр узатиш линиялари ва бошқалар киради.

Темир йул ҳудудларини электрлаштириш, дизел кучи билан тортишга нисбатан электр кучи билан тортишнинг самарадорли эканлиги туфайли устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Темир йўл участкаларини электрлаштириш “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ учун устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Электр кучи билан тортишни жорий қилиш ташув жараёнлари тезлашувига олиб келади. Электр кучи билан тортиш темир йўл линияларининг ташув ва ўтказиш қобилиятини 2-2,5 баравар оширишга имкон беради. Электр локомотивлар қувват бўйича деярли чекловларга эга эмас, чунки марказлашган тарзда таъминландилар ва узок вақт ортиқча юкламани кўтаришга қодир.

Поезднинг рекуператив тормозлашида электр энергиясини ишлаб чиқариш ва тармоққа қайтириш электр локомотивларнинг муҳим хусусияти ҳисобланади.

“Ўзбекистон темир йўллар” АЖ корхоналари томонидан 2022 йил жами 769 982,4 минг.кВт.с. (362,7 млрд.сўм) электр энергияси сарфланган. Бундан: поездларнинг тортуви (электротяга) сарфи 565 541,2 минг.кВт.с. (269,2 млрд.сўм) ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган “Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидалари”га мувофиқ “Тошкент минтақавий темир йўл узели” УК Тошкент электр таъминоти масофаси ҳамда “Бухоро минтақавий темир йўл узели” УК Самарқанд электр таъминоти масофаларида 2022 йил 1-чорагида мажбурий энергетик текширувлар (энергоаудит) ўтказилган. Ўтказилган энергоаудит текширувига мувофиқ чора-тадбирлар режаси тузилган.

Чора-тадбирлар режасида қуйдагилар инбатга олинган:

иситиш тизимини яхшилаш мақсадида масофа бўлинмаларида янги, замонавий ва автоматлашган иситиш қозонларини ўрнатиш, қувурларни янгилаш, қозонлардан самарали фойдаланиш, бино ва иншоотларнинг ички хароратини сақлаб қолиш учун бинони герметизациялаш, эски эшик ва ромларни янгисига алмаштириш;

электр энергиясини тежаш мақсадида ёритиш тизимлари учун сенсорли ҳаракат датчикларини ўрнатиш ва реактив қувватни компенсация қилиш қурилмасини ўрнатиш;

қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш мақсадида иссиқ сув таъминоти учун қуёш сув иситиш мосламаларини ўрнатиш режалаштирилган.

5.1. Қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш бўйича Техник сиёсати

Жамият корхоналари томонидан 2023 йил учун мавжуд қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали 1 996 922 кВт.с электр энергиясини тежаш ва энергия самарадорликни ошириш бўйича электр энергиясини тежаш чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Жумладан:

“Қуюв механика заводи” ШК

- Сув олиш станциясида узлуксиз иш фаолиятида бўлган 55 кВт қувватли двигателга частота приводини ўрнатиш натижасида 142 560 кВт.с.

- Қуюв цехида учта ККУ (компенсация қурилмаси) агрегатини капитал таъмирлаш натижасида 240 768 кВт.с.

“Андижон механика заводи” ШК

- Завод цехларини сув билан таъминловчи насос станциясидаги мавжуд 15кВтли ўрнига 7,5 кВт насосга алмаштириш натижасида 11 952 кВт.с.

“Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК

- Юқори энергия сарфли пайвандлаш апаратини ННА-220 пайвандлаш апаратига алмаштириш натижасида 59 090 кВт.с.

-Темирчилик цехида уч тонналик болға ўрнига янги МК 4148 А турли пневматик болғасини ўрнатиш натижасида 64 972,8 кВт.с.

- Қуёш панелли 10 дона ёриткичлар ўрнатиш натижасида 5 475 кВт.с.

“Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи” АЖ

- Ишлаб чиқариш биносидаги 3 дона 10 тн кўприкли кранини (3 дона 6,4 кВт лини 5,5 кВт га) ва 3 дона 5 тн кран балкадаги (3 дона 6,4 кВт лини 5,5 кВтга) частотани ростлаш қурилмали мотор ўрнатиш натижасида 3 104 кВт.с.

Тошкент юк вагонлар депоси

- Бош механик бўлимидаги қуввати 77 кВт ли ВДМ 12/02С русумли пайвандлаш апаратини 32 кВт тежамкор ВДМ 2*313 русумлисига алмаштириш натижасида 49 776 кВт.с.

Қўқон вагон депоси ВЧД-4

- Қўқон вагон депоси ва унга қарашли ВТХКБларда фойдаланилаётган ТД-500 русумли қуввати 28 кВт бўлган 13 дона пайвандлаш апаратлари ўрнига, янги ва электр тежамкор бўлган 13 кВт қувватли ЗХ7-500 русумидаги пайвандлаш апаратларини ўрнатиш натижасида 100 152 кВт.с.

“Эйвалекмахсустемирбетон” УК

- Корхонада 5 дона 150 Вт ли ташқи ёритиш чироқлари ўрнига қуёш панеллари чироқлар ўрнатиш натижасида 2 025 кВт.с.

“Ўзвагонтаъмир” АЖ

- Андижон вагон депосидаги жами 12 дона тунги ёритиш чироқлари ўрнига қуёш панелли ёриткичлар ўрнатиш натижасида 7 008 кВт.с.

Самарқанд электр таъминоти масофаси

- ЭЧ-8 Самарқанд ЭЧК-17 бўлимига 100 литр ҳажмли 2 дона қуёш сув иситкичларидан ўрнатиш натижасида 4 320 кВт.с.

Ишларни бошқариш дирекцияси

- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ марказий аппарат маъмурий биносига қуёш панелларини ўрнатиш эвазига 1 305 720 кВт.с. электр энергиясини иқтисод қилиш режалаштирилган.

VI. Кўрсаткичлар

6.1. Ишлаб чиқариш режаси

6.1.1. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

